

Нодирабегим Иброҳимова

Зулм ва муҳаббат

Тарихий қисса

Аннотация

1841-42 йиллар. Қўқон хонлиги ва қўшни хонликлар ўртасидаги ўзаро низолар, уруш ва қирғинлар халқнинг тинқасини қуритган. Ночор деҳқон, ҳуманмард ва чорвақорлар бетиним солиқлар, зулм ва амалдорларнинг тазйиқи остида кўплаб қўзғалонлар уюштиришган. Хон ҳарамида қиз ва аёлларнинг ночор кечмиши, оддий аҳолининг хон ва амалдорларга бўлган ғазаби, мансабдор шахсларнинг ўз вазифасини суистеъмол қилиб ожизларни хўрлаши ушбу қиссада акс этади. Ҳар замон ва маконда бўлгани каби асарда муҳаббат мавзуси етакчи ўринда. Бош қаҳрамон қиз тилидан баён этилгувчи асарда бадиий тўқима образлар билан бирга тарихий шахслар тақдири ҳам тилга олинади.

Ўрда

Саройга келганимга кўп бўлмади. Бу ернинг ҳавоси бўйнимдан илон каби бўғади. Ҳар лаҳза атрофимдаги кўплаб жувонларнинг менга душманона боқишлари, баъзиларининг эса ачиниб қарашларига дуч келаман. Харамда мендан ёши катта ва кичик қиз-жувонларни учратиш мумкин. Энг янгиси мен бўлсам керак... Боиси бошқалар бу ерга кўникиб кетган, менга ўхшаб бир бурчакка биқиниб ўтиришмасди.

Исмим Зубайда, яқинда ўн еттини тўлдирдим. Бибим яхшики менга ўқишни ўргатган экан: шу ёлғиз овунчоғим. Харамда китоб мутолаа қиладиган каниз йўқ. Китоб жавонида чиройли қилиб терилган турли туман асарларни ўқиб, хаёлларимдан чалғийман.

Харам ташқаридан кичик ҳамда рангсиз кўринсада, ичи анча кенг, ёруғ, нақшинкор ва сеҳрли экан. Кўрган кишининг оғзи очилади. Ўрдани Зарринсарой¹ деб атайдилар. Хоннинг падари Амир Умархон қурдирган бу ўрда Хўқанд марказида эди. Етти ухлаб бу ерга келиб қолишим тушимга кирмаган эди. Тақдиримга ёзуғлик шу экан: мени сарой хонига аташган... Бахтимга хон айна вақтга бетоблиги туфайли табиб кузатувида эмиш. Табиб хонга аёллар ила учрашувни маън этибди, дейишди харам аёллари.

Мадалихон²... ўттиз бешлар чамасиндаги хоннинг шариятга зид ахлоқи хусусинда кўп гаплар эшитилар эди. Моҳларойимдек дилбар ғазаллар ёзгувчи мўътабар зотнинг фарзанди бу кунга келиб хонликда ўз мавқе ва эътиборини йўқотди. Ўн олти ёшидан бери тахтда ўтирган хонни бир вақтлар ўн саккиз ҳунар соҳиби, шеърлар битган ҳаттот ҳам бўлган дейишарди. Нечукдир, ҳозир хон маишатдан бўшамас, Хўқанд³га ҳам кўз теккандек эди... Хон узоқ вақт тўшакда михланиб ётсину, мен ҳам умримни ўтказиб юборай, токи эскирган қариқизни хонга тақдим этмасинлар, деб илтижо қиламан.

Ўтмишни эслаш мароқли юмуш. Зеро китоб ўқишдан тўхтаганимда қиладиган ягона юмушим ҳам хотираларни ёт этиш ила ўтади. Болалигим, марҳум отам, эр этиб кетган онам, меҳрибон бибим, Низомжон... Бир бурда нонини қўшнилар билан баҳам кўрадиган ҳамсояларимизни эслайман. Улар ҳам айтишардия “Илло хоннинг югурдаклари назарига тушма, қизим”, деб.

Ўзим айбдорман.

..Ўша машъум кун бибим билан пахта титиб ўтирган эдик. Бибим кексайиб қолган бўлсада, тиним билмай меҳнат қиларди. Кўпра тикар, қавир, пахта солар ва савдогарларга пулларди. Кунимиз шу ҳунарнинг ортидан ўтар, нолимайман, ейишга нон ва кийишга кийимимиз бўларди ҳамиша. Айвонда пахта титавериб чанқоқ босди. Қарасам, челақлар ҳам бўшаб қолган. Чанқоқ алами тутиб, челақни даранглатиб урдим.

-Зубайда, ёш болалик қилма, -койидилар бибим. -Боргинда челақларни эшикнинг нарёғига аста қўйиб қўй. Бирор эр йигит ўтаётиб қудуқдан сув келтириб қўяди, -дедилар ҳар доимгидек.

-Э, биби, доим биров ўтишини кутаберарканмизда! Чўллаб кетдим, югуриб ўзим олиб келаман.

¹ Худоёрхон ўрдаси ўрнида Умархон томонидан ўрдирилган ўрда. 1842 йилда ў он-Бухоро уруши о ибатида иншоот вайрон бўлган.

-Иккита катта челақни шу нозик билақларинг кўтариб билармиди? Қани, айтганимни қилчи, қизим.

Мен эсам ўз гапимда туриб, шарт битта челақни олдимда, кичкинагина дарвозани очдим.

-Хай, қиз, чиқадиган бўлсанг устингга ёпунчиғингни ташла, уятга ўлдирасан одамни!

Яқин орада бери бўй етдинг, деб бибим менга алоҳида ёпунчиқ тикиб бергандилар. Энди аввалгидек битта рўмол билан ташқарига чиқолмай қолдим. Болалиқ қилиб, бибимга қулоқ солмадим, ташқарига чиқа бердим. Шу гап илмаган қулоқларим жабрини ана энди тортаяпман...

Чикдим, қаршимда от миниб ўтаётган бир кимсага кўзим тушди. У ҳам дарҳол менга назар ташлади. Юрагим ичимга тушиб, ортимга бурилдим. Эшиқни маҳкам ёпиб, ёқамга туфладим.

-Тинчликми, сўради бибим айвондан туриб, -нега рангинг оқарди, қизим? Кучук бор эканми?

-Йўқ, отдан хурқдим... -дедим чанқоғимни ҳам унутиб.

-Қишлоқда ҳеч кимнинг оти йўқ эди-ку... Эшимнинг эшагидир, балки.

-Йўқ, от, -дедим бибимнинг пинжига кириб, -эгаси жуда ғалати экан...

-Танидингми?

-Йўқ...

-Афтини айтчи, тагин...

-Юзига катта тиртиғи бор, кўзи олайган бир кимса экан.

Бибимнинг негадир қўллари бўшашди.

-Сенга айтмапмидим, болам! Нега ёпунчиғингни ташламадинг. Қосим югурук бўлмасин тагин, дедима...

-Ким у? -сўрадим чўчиб.

-Хоннинг ўнг қўли. У Худо ургур, хонга канизаклар саралаб юради.

Қишлоқларни кезади, эшиклардан мўралайди. Бечора деҳқонлардан солиқ ундиради.

Ишқилиб сенга кўзи тушмади?

-Билмасам...

-Энди кўчага чиқмай кўяқол, болам.

-Хўп, биби.

-Челақларни ўзим ташқарига қўяман...

Кўп ўтмай сув тўла челақларни уйга киритиб чой дамладик.

Қосим югурик

Ўша куни кўрганим чинданда Қосим югурик экан. Хон саройида девонбеги лавозимини эгаллаган эсада, асосий юмуши қишлоқларни кезиш: хоҳ солиқ йиғиб хазинани тўлатади, хоҳ харамни... Қизларнинг кушандаси деб ном чиқарган баттол шу вақтга қадар хон харамини элликка яқин қиз-жувонга тўлдирган. Ҳа, у нафақат қизлар, балким эрли жувонларни ҳам олиб кетаверарди. Эри жўмард бўлса, Қосимнинг қўлида ўлиб кетарди... Таасуфки, бу жувонларнинг тақдири оғир ўтади. Хон улар бир-икки марта кўнгилхушлиқ қилгач, аскарларига хотинликка беради. Аскарларнинг эса тақдири маълум: улар жангу жадал ва майбозликдан бўшамас, хотинлар тул каби яшашар эди. Қизлар эса харамда қоларди. Улар бу ердан бир қадам нарига чиқмай, хон қачон йўқласа етказилиши шарт, йўқламаса бир умр шу ерда бошқа канизларнинг

хизматини қилиб юарди. Мен буларни шу ерга келгач билдим. Ҳамма хоннинг назарига кўра турли мавқеларга эга бўлган: энг сара, нозанин канизлар алоҳида парваришланар ва қўли совуқ сувга урилмас, бундайроқлари уларнинг хизматини қиларди. Бу ерга келганига анча йиллар бўлган ва ёши ўтиб қолган канизлар бўлса бирма бир ташқарига олиб чиқиб кетиларди. Улар эшитишимча, хон ошхонасида ишлашарди.

Қосим югурикнинг навбатдаги қурбони мен бўлдим.

У уч-тўрт кундан сўнг уйимизга ташриф буюрди. Бибим доимги ишлари билан банд, мен эсам уй ичида мутолаа қилиб ўтирардим. Баттолни дарҳол танидим. Юрагим уриши тезлашиб, деразадан аста унинг бибимга яқинлашиб келаётганини кузатдим.

-Хуш келдинг, бўтам, -деди бибим мулоийм товушда, -биздан нима хизмат? Тўй мараканг бўлса, айт, кўрпаларнинг сараси менда...

-Тўй бор, кампир, -гап очди меҳмон ҳам сўрига чўқаркан. Унинг овози юзидан ҳам кўра кўрқинчли эди. -Кўрпанг етармикин?

-Етади, етмаса туни кун ўтириб қоплаб бераман.

-Майли, қоплай қол. Неваранг ҳам бўй етиб қопти... сарпосига ишлатасан.

Юрагим баттар ғашланиб бибимга тикилдим. Уларнинг аввалги очиқ чехраси бирдан тундлашди, Қосимнинг юзига тикилиб турдида, бирдан ҳайқирди:

-Мана сенга сарпо! -шундай дея меҳмоннинг юзига туфлади.

Қосим ижирғаниб юзини артаркан, ўрнидан турди:

-Тайёргарлигингни кўр, кампир. Хонимизнинг харамни анчадан бери янгиланмади. Неваранг уни гулдек тўлдиради. Уч кундан кейин олиб кетаман. Эвазига тилла танга оласан, хунобинг ошмасин. Хонимиз бундай гулларга қалин ҳақини аямаган.

Бибим пешонасига урди, югурик кетди. Мен эсам хонадан чикдим, бибимга отилдим.

-Бибижон! -хиқилладим, -нега ундай деяпти бу одам? Мени... харамга олиб кетмоқ истайдими?

-Ҳали уч кун бор, -бирдан ўзини қўлга олди бибим, -унгача бир йўлини топаман. Сени у қонхўрларга бериб қўймайман, қизим. Отангнинг ўлими менга етади...

Тонг отгунча иккимиз-да йиғлаб чиқдик. Бибим қандай режа тузди экин билмадим, аммо эрталаб қўлимга тугунча тутқазди:

-Тоғ йўлини биласан. Йилда икки марта онангникига бориб турардик-ку, тўғрими? Эсингда қолган-а?

-Ҳа... лекин жуда узоқ-ку, биби. У ерда нима қиламиз?

-У ерга ёлғиз ўзинг кетасан. Қишлоқдагилар онангни тушган жойини билмайди. Бориб онангга бўлган воқеани айтасан. У сени уйида олиб қолади, иншоллох. Харам балосидан қутуласан. Лекин зинҳор кўчага чиқма, қизим.

-Онам... ўйландим мен. Кўз олдимга онамнинг эри, икки ўғли келди. Улар ҳар борганимда мени ёвга қарагандек кутиб олишарди. -Улар билан қандоқ яшайман, биби?

-Кўникасан.

-Сизчи...

-Мен уйимдан бошқа қаерга сиғардим...

-Ёлғиз ўзингиз... кейин Қосим келса, нима дейсиз?

-Нима дердим, қочиб кетди, дейманда. Ўрнингга мени олиб кетмайди-ку,

баччағар. Ахволимни ўйлама, кўни-кўшнилари бор, ёлғиз қолмайман. Фақат болам ваъда бер: бу ерга асло қайтмайсан. Вақти келса, ўзим кўргани бораман.

Барибир иккиландим. Баттол Қосимнинг қилмишларини кўп сўзлаб беришарди. Бир марта кўшни қишлоқдаги боши бойлиқ бир қизни олиб кетмоқчи бўлганди. Аммо тунда қизнинг ота-онаси уни бўлажак маҳрами билан қочириб юборишди. Икки ёш қаерга кетди, биров билмасди. Аммо ота- онасига кўп жабр бўлди: Қосим уларни анча вақт тинч қўймади. Солиқ вақтида тўланмади, деб кафтдеккина ерини ҳам тортиб олди.

Шуларни ўйлаб бибимнинг ҳаётидан хавфсирадим. Бибим фикримни уққандек деди:

-Айтдим-ку, қизим, мендек қари қапмирни нима деб жазоларди у? Бир оёғим гўрда бўлса...

-Ундай деманг, биби. Ҳали узоқ яшайсиз. Фақат... сиздан қандоқ айриламан, ахир! -йиғлаб юбордим.

Беш ёшимдан бери мен ювиб тараган, тарбия берган, сабоқ ўргатган меҳридарё бибимга хайр-хўшлаб кетиб қолишим осон эмасди. Ўз онамдан кўрмаган меҳрни берган бу кампир мен учун нақадар азиз эди...

Онамни йўқлаб...

Кетишдан ўзга чора йўқ эди. Бир жуфт устибош, озроқ егулик тугилган тугунни олдим. Устимга паранжимни ёпиб, бибим билан узоқ хайрлашдим. Бибим бисотимиздаги ягона қимматли буюм - билакузукни менга тутқазди:

-Бу онамдан қолган мерос. Уни авайла. Жуда муҳтож бўлиб қолганингда сотарсан. Сени... турмушга узатаётиб бераман, дегандим, -бибим хўрсинди.

-Ҳали бахтимни кўрасиз, -далда бўлдим мен, -менга берган энг катта тухфангиз савод чиқартирганингиз, биби. Сизда қола қолсин, менсиз энди кўрпаларни қандай қоплайсиз? Бирор кунингизга яраш шу тилла...

-Йўқ, ол, -бибим уни қўлимга тақди. Енгимни тушириб қучоқлади.-Яхши бор. Онангга салом етказ.

Йиғлаб-йиғлаб эшикдан чиқиб кетдим. Йўл олис. Кечга доғур етиб олсам бас. Бибимнинг айтганига кўра, йўлда учраган араваларга ўтирмайман. Туш маҳали егуликдан тотиндим. Аммо иштаҳам ғиппа бўғилган. Бибимнинг тақдири, мени кутиб олажак онамнинг оиласини ўйлаб бошим ғувиллайди. Қуёш тиккага келганда оёқларимда мадор қолмади. Яхшиямки, тоққа етгунча қишлоқлар тугамайди. Бирор дарахт соясида ўтириб ҳовуздан чанқоғимни босаман. Ниҳоят, тоғ йўлига етиб келдим. Буёғи яқин, фақат тик сўқмоқдан тепага кўтарилиш одамни хотиради. Имиллаб чиқа бошладим. Ҳали шом тушганича йўқ. Унгача насиб бўлса, етиб оламан.

Тоғ этагидаги биринчи қишлоққа кириб келдим. Адашмай онамнинг уйини топдим. Ёғочли кичкина эшикчани кучим борица тақиллатдим. Шом намозига отланаётган эркаклар менга қараб қўйишди. Нотанишлигимни сезишган бўлса керак. Сабаби бу қишлоқчада қиз-жувонлар кам, бори ҳам уйдан чиқмай ўтирарди.

-Ким эди? -деган майин овоз эшитилди. Онамнинг овози.

-Бу мен, она. Зубайдаман.

Эшик шоша-пиша очилди. Бошига катта шол рўмолни ташлаб олган онам дарҳол ичкарига бошлади. Саволга тутмай, икки хонадан иборат бўлган, кафтдеккина ҳовлисига бошлади.

-Кир, Зубайда, -онам рўмолини ечиб, менинг ҳам паранжимни олди. -Бибинг яхшими ишқилиб?

-Шукур, саломатлар. Ўзингиз яхшимисиз? Укаларим ҳам... кўринмайдими?

-Отаси билан масжидга чиқиб кетишганди. Қани, ўтир, сув ич, қизариб кетибсан. Муздеккина тоғ суви баданимни совутди.

-Бибинг бу сафар келмадиларми?

-Йўқ... -яна кўзларимга ёш тўлди. Хиқиллаганча бўлган воқеаларни сўйладим.

Онам жимгина эшитди.

-Энди... сиз билан яшашга келдим, она, -дедим гапим сўнггида.

-Дуруст бўлмапти, -оғир тин олди онам, -Қосим югуриқнинг донғи бизнинг қишлоққа ҳам етиб келган. Аммо у бу ерларга келмайди. Бироқ... отаси бунга нима деркин? -ҳижолатомуз сўзлади онам. -Келсинларчи қани...

Онамнинг эри менга сира ёқмасди. Йўқ, отамнинг ўрнини эгаллагани учун эмас. Кўзлари ғалати. Одамга нохуш кайфият бағишлайди. Онагинам отамдан сўнг икки йил бибим билан яшадилар. Кейин тоғдан совчи келди. Бибим “Тоқ аёл -тўмтоқ аёл. Қизингни ўзим асраб оламан, сен бахтингни кўр. Рўзғор, бола-чақа, эр қил. Мен ўтиб кетсам, яккамохов бўлиб қоласан”, деб онамни узатган эканлар. Ўшанда беш ёшда эдим. Аввалига онамнинг ҳидини соғиниб, бибимга кўп хархаша қилган эканман. Кейин кўникиб кетдим.

Онам чой дамлади. Бир тақсимчада майиз, туршак, бирида олма келтириб қўйди. Аммо томоғимдан ҳеч нима ўтмади. Гапимиз ҳам унча қовушмади. Иккимиз ҳам намоз ўқиб бўлиниши ва ўғай отамнинг келишини кутардик. Чалғиш учун хонани зимдан кузатдим. Деярли бўш: тўртта кўрпача тахланган темир сандиқ, чойнак-пиёлалар қўйилган тоқча, мойчироқ, эски дарпарда. Иккинчи хонага анави эшикдан кирилади. У ернинг кўриниши ҳам менга маълум, сира ўзгармайди: укаларим ухлаши учун тўшаклар ва кичкина хонтахта.

Онам бибимникида бир вақтлар ўзига тўқ яшарди. Унда бобом қишлоқнинг энг олди зиёлиларидан бўлиб, дадам ҳам савдо-сотик билан шуғулланарди. Шу сабаб бибимнинг айтишича, уйимиздан барака аримаган экан. Аввал бобом, сўнггра отамнинг ўлими уйдан қут-баракани учирибди. Онам янги уйидаги ҳаётдан сира мамнун гапирганини эшитмаганман. У ўғай отамга ҳам, бу қишлоққа ҳам, одамларига ҳам эл бўлмади. Фақат укаларим учунгина яшаса керак...

Эсимда, 9-10 яшарлигимда онамдан мен билан яшашини, укаларимни олиб қишлоққа бибимникига кетишини ялиниб сўраганман. Бола бўлиб онамни янги оиласидан қизғонардим. Онам доим иложи йўқлигини айтарди. Ахийри, ақлим киргач, онамни истамай қўйдим. У ўғай отамдан жуда кўрқар, шу сабаб бизникига ҳам бормас, эшикдан камдан кам хатларди. Онам бу ерликларга ўхшамас, жуда чиройли ва озода эди.

Шу хаёллар ичра ўтирганимда эшик очилиб аввалига ўғай отам, сўнггра мўйлаблари сабза уриб қолган укаларим кириб келишди. Саломлашдик. Ўғай отам ичкари уйга кириб кетди, онам изидан. Мен эса укаларим билан биров суҳбатлашдим.

Улар нималарни гаплашишган билмадим, хартугул шу ерда яшайдиган бўлибман. Буни ўғай отамнинг ўзи маълум қилди. Шунингдек, у:

-Бу уйда ҳамма меҳнат қилади. Онанг нон ёпиш, сигир соғиш, овқат пиширишга жавобгар. Укаларинг эса мен билан эчки ҳайдагани чиқишади. Сенинг вазифанг товукларга қараш, идиш-товоқ, супир-сидирдан иборат. Уқдингми? -деди қатъият

билан.
-Уқдим...

Тоғдаги нотаниш йигит

Янги жойларга тез кўникиб кетдим. Муҳими, онам ҳар доим ёнимда. Эркаклар эса кун бўйи тоғда қўй-эчкиларни ўтлатиб юришарди. Фақат тунлари бибимнинг қалампирмунчоқ анқиб турадиган исини қумсаб йиғлар эдим. Қосим югурик келдимикин? Мени сўраб тоза тўполон қилдимикин? Бибимдан аламини олмадимикин? Бу саволлар менинг фикр-ёдимни забт этиб, тинчлик бермасди. Онам ҳам шу ҳақда ўй суларди, шекилли:

-Бир муддат ўтсин, укангни қишлоққа юбораман, бибингнинг ҳолини билиб келади, -деб қолди. Шу гапдан сўнг юрагим тинчиб уй ишларига киришиб кетдим. Бибим кексайгандан бери уйдаги барча юмушларни ўз зиммамга олган эдим. Шу сабаб бу ерда ҳам қийналмадим. Кечки таом маҳали отам ва укаларим билан бир дастурхонда овқатланиш нохушроқ тусда ўтсада, қолган вақтим тузуккина кечарди.

Укаларим. Бирининг исми Карим, бириники эса Саид. Бу болаларнинг гап-сўзю, ўткир нигоҳлари қуйиб қўйгандек отасиникидек эди. Тиллашай деб бир неча марта уриниб кўрдим ҳамки, мени хушлашмади. Азалдан ука ва сингилларим бўлишини, улар билан бирга ўйнашни, сирлашишни орзулардим. Тақдиримга ёлғизлик битилган кўринади.

Онам билан ўртамизда қандайдир ғов бордек туюларди. Эҳтимол, айри яшаганимиз учунми, сира ўзимни эркин тутолмасдим. Бибимга қилган хархаша, эркалик ва ўйинқароқликларимни бу ерга келгач йиғиштиришга тўғри келди. Онам жуда босиқ ва камгап аёл эди. Кун бўйи юмушлардан ортмас, бўшаганда зардўзи тикарди.

-Сен ҳам бирор ҳунар ўргансанг, чакки бўлмасди, қизим, -дедилар зардўппи тикиб ўтирарканлар.

-Бибимдан кўрпа қавишни тоза ўрганиб олганман.

-Менинг ҳунаримни ҳам ўрган. Кел, қани...

Ўша кундан бошлаб зардўзликка қизиқиб қолдим ва шу билан чалғидим. Орадан ўтиб кетган бир ой вақт ҳатто сезилмади ҳам. Бу иш ҳартугул кўрпа тикишдан кўра осон ва севимлироқ экан. Зар ип ва игнани қўлимга олиб шом қоронғусигача тикиб ўтиравераман. Мени ишимдан чалғитмаслик учун онам менга ажратилган юмушларни ҳам ўзи бажариб кўярди. Тайёр дўппиларни бўлса укаларим тоғ этагида жума кунлари бўладиган катта бозорга олиб чиқиб сотишарди. Тушган ақчаларни отам бирма бир санаб олар ва бизга яна ип олиб келарди. Бу ерга келиб рўзғорга фойдам теккани уларга маъкул бўлди шекилли, отам менга ҳийла тузук муомала қила бошлади.

Вақти-вақти билан укам ва отам чўпонлик қилиб, тоғ тепаларида бир неча кун қолиб кетишига тўғри келарди. Шунда уйда онам иккимиз қолардик. Бу ерларда қиз-жувонлар эшик хатлаб кўчага чиқмас, шунинг учун эркаклар кетишидан аввал сув ва ўтинни ғамлаб олардик. Шундай кунларнинг бирида катакдан чиқиб кетган товук-хўрозлар ошхонадаги челақлар тўла сувни ағдариб ҳаммаёкни пайҳон қилишди. Яхшиям, отам йўқ эдилар. Йўкса, тоза балога қолардик. Онам билан ошхонани тозаладик. Ярамас товукларни қафасларига жойлагунча ҳам эсимиз кетди. Ағдарилиб ётган челақларни кўриб, онам ух тортди:

-Сувсиз қолдик...

-Сой олисдами?

-Унча эмаску-я, аммо у ерга аёллар бормайди.

-Унда нима қилдик?

-Кўшнимиздан илтимос қиламиз чоғи.

Онам шундай деб рўмолини ёпиниб қўшнисиники кириб кетдилар. Зум ўтмай, қайтдилар:

-Ўғли олиб келиб бераркан, барака топсин. Мен челақларни чиқариб кўяй.

Онам ичкари хонада дўппи тикишга тушиб кетди. Мен эса ҳовлини супуришга киришдим. Ишимни якунлай деб қолган эдим ҳамки, эшик қоқилди.

-Янга... челақларни кўйдим, -деган овоз келди.

Онам эшитмаганлари учун ўзим жавоб бера қолдим:

-Раҳмат.

Сўнгра аста бориб эшикни очдим ва қўлимни чўзиб иккита катта челақни ичкарига олдим. Шу аснода рўпарадаги катта дарвозага кириб кетаётган кимса ортига ўгирилди. Ўктам ва қорувли бу йигит бир зум менга тикилдида, сўнг кўзларини олиб қочди. Одатим курсин: бошимда яна рўмолим йўқ эди. Шоша-пиша мен ҳам ўзимни ичкари олдим. Негадир юрагим тез уриб кетди. Эшик ортида бир муддат қотиб турдим. Секингина эшик тирқишидан ташқарига мўраладим. Кўрсамки, бояги йигит дарвозасини ёпайми-ёппайми, деб бизнинг ҳовли томон тикилиб ўтирибди. Ўз қилиғимдан уялиб челақларни олдимда ошхонага кириб кетдим. Ўша куни ғалати бир кайфият билан мазали таом тайёрладим. Иштиёқим келиб туни билан иккита дўппини тикиб тугатдим. Онам қизиқсинди:

-Бугун мамнунсан, қизим... кўз тегмасин, ҳеч қулганингни кўрмаган эдим.

Нега хурсандлигимни ўзим тушунмасамда, ҳарҳолда бу қўшни йигит билан боғлиқлигини пайқаб турардим. Тунда ҳатто тушимга кириб чиқибди...

Эртасига ҳудди ўша маҳал қўшни аёл чиқиб қолди. Сўрашиб, сўрида озроқ ўтиришди. Мен чой дамладим. Самимий ва дилкаш хотин экан.

-Ўғлим яна сув керак бўлса, обкеберай, деб чиказди, денг.

-Низомжон ҳўп яхши болада. Кечаги сув эртагача етади. Унгача отаси ҳам келиб қоларлар. Овора бўлмасин. Ўзи кеча ишидан қолдирганимга хижолат чекдим.

-Кўшничиликда, синглим. Кеча ясаган ҳамма пичоқларини отаси билан қаергадир ташлаб келишди. Ҳеч тушунмайман бунинг ишини... куни билан пичоқ, қилич, яна нималардир ясашади ота-бола. Сотилдими, десам, пулидан дарак йўқ.

-Балки қарзга берарлар-да...

Икки қўшнининг суҳбатига аралашмай деб ичкари хонага кириб кетдим. Ичимдаги ҳаяжонни фақат ўзим билан баҳам кўргим келди. Демак... у ҳам ҳудди кечагидек яна сув келтиришни истаган эканда... ёки қўшничилик заруратиданмикин? Исмини нима дедилар? Ҳа... Низомжон. Иسمи ўзига монанд. Ҳойнахой, қўшнимизникидаги бу қиз ким экан, деб қизиққандир.

Қозига унашув

Отамлар қайтишди. Подани молхонага ҳайдаб, ўзлари дам олишди. Бир неча кундан сўнг отам кўлида катта тугун билан уйга мамнун ҳолда кириб келди. Онам тугунни оларкан, қизиқсинди:

-Бирор тўйдан қайтапсизми?

-Йўқ, Қози чақиртирган экан. Роса меҳмон бўлдик...

-Нечук? Қози жаноблари биз мискинларни ҳам йўқлайдиган бўлибдилар? -онам

лабини буриб тугунни очди. Дастурхон пишган гўшт, курук мевалар, нон, кандларга тўлди. Укам ширинликларни талаша бошладилар.

-Опангга бер! -деди отам укаларимга. -Оғзи тегсин. Бу опангга берилган тугун...

Онам бир муддат хайрон бўлиб турдида, тугунни шарт йиғиштирди.

-Тегманглар! Буни қайтариб берамиз.

Мен ҳам ҳеч нимага тушунмай ўтирардим. Отам томоқ қириб ичкари хонага ўтди. Онам эргашдилар. Пичир-пичир қилиб анча вақт нимадир устида тортишдилар.

Менинг эса роса уйқум келганди, кўзим илинибди.

Эрталаб турсам, онам бошим устида ўтирибди.

-Онажон...

-Зубайда, қизим... -кўзлари қизарган онам сочимни силади.

-Сизга нима бўлди? -дедим ўрнимдан туриб. -Отам хафа қилдиларми?

-Ҳа... жуда хафаман.

-Кечаги тугун учунми? Нега?

-Биласанми, қизим. Бу ерда жавоби берилган қизга тугун юборилади...

-Кимнинг жавобини берилибди?

-Сенинг... -онам шундай деб мени бағрига босди.

-Ким... кимга? -дедим базўр.

-Қозига... Отанг, қурғур отанг сени берибди. Нон синдиришибди ҳам.

-Хондан қочиб Қозига тутилдимми? Бу қандай бедодлик ўзи? Мен бибимнинг ҳаётини хавфга солиб бу ерларга келсаму, ўгай отам сўрамай- нетмай узатиб юбориш пайида бўлса? Нега ахир? Агар... сизлар билан яшашим малол келса, мен кетардим. Зинҳор бу никоҳга рози бўлмайман!

-Отанг... ҳамма ҳам Қозидан қўрқади, қизим. Билмадим, сен ҳақингда қайдан эшитибди нобакор? Тўртта хотин олиб бўлган ўзи... Учинсичини дард кемириб ўсал бўлиб ётганмиш. Қазо қилса, сенга уйланишни кўзлаб қўйибди.

-Отамга йўқ деб айтинг...

Афтидан онам тун билан отамга қаршилиқ билдириб, калтак еган кўринади. Кўкарган ёноқларига энди эътибор бердим. Демак, энди фойдаси йўқ.

Уйдагиларга ўзимни тақдирга тан бергандек кўрсатдим. Аслида ўша ондаёқ бу ердан қочиб, бибимнинг олдига боришни мўлжаллагандим. Буёғи тақдиримдан. Бошқа борадиган жойим йўқ. Балки Қосим деганлари бошқа ерларни кезиб, мени унутиб ҳам юборгандир. Ахир орадан икки ой ўтиб кетди.

Отам кунора Қозиникидан хабар оларди. Шариат қонунига кўра, тўрттадан кўп хотин олишга рухсат тегмагани Қозига хўб алам қилса керак. Чамамда, у учинчи хотини тезроқ рихлат қилишини кутарди. Отам ҳам шунинг хабарини билиш учун уларникига серқатнов бўлди. Ҳар гал турли нозу неъматлар билан қайтарди.

Бир сафар Қози томон уйимизга бир коп гуруч, ун, сабзи, ёғ юборибди. Тўкинликка кўникиб қолган отам ва укаларим пода ҳам ҳайдамай қўйди. Онам бўлса, келтирилган масаллиқларга қўл урмай, бир четга олиб қўйди. Тўғри қилдилар, дедим ичимда. Барибир кетиб қолганимдан сўнг буларни қайтариш лозим. Онам ҳам “зора хотини яшаб кетсаю, Қози сендан умидини узса”, деб илтижо қиларди. Мен эсам унинг хотини ўладими, қоладими, барибир кетишга аҳд қилдим. Қози бўлмаса, отам бошқа амалдорни кўзлаши аниқ. Пулга ўч ўгай отам хоннинг канизаклигидан қочганлигимни билмайди. Онам ўша вақтда унга буни айтмаганлар. “Бибиси ўсал эмиш, юқмасин деб, вақтинча бизникига келди”, деганлар. Билсалар борми, шу заҳоти мени хонга

пуллардилар.

Қочиш фикри Қозининг уйимизга қилган ташрифидан сўнг тезлашиб кетди. Шунчаки меҳмон сифатида ғариб кулбамизга ташриф буюрган Қозини ўтказишга отам жой тополмай, тинмай мулозамат қиларди. Ўзи олиб келган ноз неъматлар дастурхонни беади. Билсам, бу қиз кўрар маросими экан. Қози буни ўзи учун ўйлаб топган бўлса ажабмас. Биз онам билан ўчоқ ёнида ўтирардик.

-Қози жанобларига кириб чой узатгин, -дедилар отам бизнинг олдимизга чиқиб.

-Вой, шўрим, -деди онам. –Номаҳрам-ку...

-Қози кўрмай уйланмайман, деган!

-Унда уйланмасин. Қизим чиқмайди...

Тортишув узоқ давом этди. Охири отам онамга бир шапалоқ тортдию, билагимдан судраб эшикдан киритиб юборди. Шумшайганча, тўрида ўтирган кимсага назар ташладим. Ҳатто қишлоғимиздаги Эшим оқсоқ ҳам бундан хушрўйроқ бўлса керак. Умрим бино бўлиб, кўмирдан ҳам қора ва дағал одамни кўрмаган эдим. Мана, энди кўриб турибман... унашган одамимни.

Эшик олдида қўкқайиб турабердим.

-Ўтир, -деди Қози. Овози кўринишидан ҳам расво эди. Ўтириш ниятим асло йўқ эди. Негадир кўз олдимга қўшни йигит келиб кетди. Қани энди, тўрида шу инсон бўлганида...

Бахтимга, шом намозига азон айтилдию, кутулиб қолдим. Эркаклар масжидга чиқиб кетишди. Кета туриб суқланиб қаралган бу нигоҳларни ўйиб олгим келдики... Қариб қуюлмаган чол! Ўзингча орзуланиб турабер-чи, кейин нима қиларкинсан келинчакни қочиб кетганини эшитиб?

Қайтиш

Режамга кўра, қочиш кунини отам уйда йўқ бўлган тунга туздим. Онамга айтмаганим дуруст. Ниҳоят, отам бир куни қўйлари борлиги эсига тушдим, уларни ўтлатиш учун тоққа чиқиб кетди. Укаларим бўлса уйда қолишди. Ўша тун керакли кийимларимни бўхчага тугиб, бироз егулик олдимда, тайёрланиб ўтирдим. Ҳамма уйқуга ётгач, уй дарчасидан хатлаб чиқдим. Эшик тамбасини аста тушириб, ташқарига мўраладим. Кимсасиз. Юрагимдаги кўркувни енгиб, ташқарига одимладим. Қозининг қиёфаси олдида тун қоронғуси нима бўлибди? Кўчадаги дайди итлар нима бўлибди? Тоғдан тушиб, қишлоққа киргунимча тонг ҳам отади. Тушгача бибимнинг ёнларига албатта етиб оламан.

Уйдан чиқиб тор йўлдан кета бошладим. Имкон борича товуш чиқармайман. Паранжимни кўлимга олволганман. Тун қоронғусида мени ким кўрарди? Тонгга яқин ўранаман. Юрганимга чорак соат бўлмасдан рўпарамдан келаётган бир тулпорга кўзим тушди. Йўл торлигидан ўзимни четга олдим ва тескари ўгирилдим. Аввалига чошиб келаётган тулпор ёнимдан ўтиб кетгач, нарироқда тўхтади. Беихтиёр ўгирилдим. Ой ёруғида тулпор устидаги кимсани танидим. Уни ҳар қачон ҳам таний олардим: бу Низомжон эди.

У ҳам мени танигани сезилиб турарди. Тулпорини ортга буриб, ундан тушди.

-Тун кечасида ёлғизсиз. Ёрдамим керак эмасми? Мендан чўчиманг, қўшингиз бўламан.

-Ҳожати йўқ, -дедим ерга қараб. -Мен қуйи қишлоққа кетяпман. Бу ерда меҳмон эдим.

-Тунда йўлга отланиш, бунинг устига ёлғиз... Унашув ҳақда эшитгандим, -деди у бироз тутилиб.

Унашувимдан бери кўзимга ёш келмаганди. Ҳозирги аҳволимда кўзларимга оқиб келаётган ёшларни тўхта олмадим. Ёш болаларча хўнграб йиғлаб юбордим. Низомжон ҳолатимни англаган кўринади. Нега йиғлаяпсиз, деб саволга тутмади ва жимгина кутди.

-Қози жанобларининг дидлари жуда нозикда, -деди сўнг кесатиб, -ёш ва гўзал қизларнинг ҳидини дарров сезади.

-Мен... ўша Қозидан қочиб кетяпман, -дедим хиқиллаб.

-Пайқадим... Уйдагиларингиз бундан беҳабардир.

-Ҳа. Илтимос, мени кўрганингизни уларга айтманг.

-Айтмайман. Аксинча, сизга кўмак бераман. Тулпорга мининг. Сизни қишлоққа элтиб қўяман. Фақат паранжини ўраб олинг. Ҳуснингизни ўзгалар кўрмагани дуруст...

Менга тамоман бегона бўлган, шундай бўлсада ёрдам беришга шай турган бу инсонга хурматим ортди. Аммо уни овора қилишни истамас эдим.

-Йўл олис, оға. Уйдагиларингиз ҳавотирланишади.

-Улар туни билан кетишимга кўникиб қолишган. Ўйламанг, қани, отга мингашинг.

Отга сира чиқмаганим учун чўчидим. Низомжон буни сезди шекилли:

-Рухсат берсангиз... ёрдам берай. Аввал ўнг оёғингизни узангига қўйинг. Энди...

-у билагимдан тутиб, отга чиқарди. -Бўлди. Отим ювош.

-Раҳмат.

Кета бошладик. У отнинг жиловидан ушлаб тез-тез қадам босарди. От чинданам яхши экан. Бир текис юриб борарди.

-Бу ерларга не мақсадда келган эдингиз? -саволга тутди Низомжон.

-Такдир еллари шу ерга келтирди. Қишлоқда бибим билан яшардим. Онам шу ерларда турмуш қилган. Ўгай отамнинг хоҳиши билан Қозига унашишди. Аслида... қишлоқдан ҳам қочиб келгандим.

-Нега?

-У ерда ҳам шу ҳолат. Хон ҳарамига олиб кетишмоқчи бўлди.

Низомжон тўхтади. Менга ўгирилиб, яқинлашди:

-Қосим югурукми?

-Шундай. Танийсизми уни?

-Танимай бўладими... -у шахд ҳолда юришда давом этди. -Қосим! У бир вақтлар жондан азиз опамни олиб кетганди.

-Ҳарамгами?!

-Ҳа! Шундан сўнг опамни кўрмадик.

Юрагим жиғиллаб кетди.

-Қочиб заб иш қилибсиз. Лекин... қайтсангиз у сизни олиб кетади-ку?

-Қайдам. Бошқа борар ерим йўқ. Кейин бибимдан ҳам ҳавотирдаман.

-Ҳа... барибир сизни оловдан олиб оловга элтиб қўя олмайман. Келинг, яхшиси... аввал сизга ўзим тўғримда сўзлаб берсам. Сўнгра бир маслаҳатга келардик.

-Майли...

Низом отни сой томон бурди. Шу ерда ўтирдик. Низом оғир тин олиб, шақирлаб оқаётган сойга тикилганча ҳикоясини бошлади. Ой ёғдусида унинг тийрак қора кўзлари, қирра бурни, пешонасига тушиб турган қўнғир сочларига тикилганча жон

кулоғим билан тинглардим.

Низомжоннинг сир

-Отам ёшлик пайтларида хонлиқнинг қоровули бўлган. Ўша пайтда Амир Умархон тахтга келиб ўтирган чоғлар эди. Амирнинг хос қоровули эмасми, отам амирнинг ҳарамдаги кўп аёлларни зимдан танирди. Бир вақт ёшгина, хушрўй бир қиз ҳам ҳарамдан жой олибди. Отам уни бир кўришда севиб қолган. Қиз ҳам унга беэътибор бўлмапти. Кўнгил эканда... хоннинг канизларига кўз олайтириш энг катта гуноҳ эди. Лекин икки севишган буни билсада, муҳаббатларидан воз кечолмаган. Бир тунда суйганини олиб саройдан қочган. Узоқ вақт турли қишлоқларда саргардон юришган. Ахийри шу тоғдан қўним топишибди. Отам пичоқсозлик ҳунарини эгаллади. Опам, сўнгра мен туғилдим. Онам... мени дунёга келтираётиб вафот этган экан...

Низомжон бир лаҳза сукут сақлади. Мен эсам бир сўз айтишга ожиз бўлиб, бошимни эгдим.

-Кейинчалик отам ҳозирги онамга уйланди. Лекин раҳматли аёллари ёдини унутолмайдилар. Қосим анча йил бурун опамни олиб кетди. Ҳа, орадан йиллар ўтиб онамнинг ўрнига опам кетди. Мен ҳам отамдан кам ёнмайман. Шунинг учун... пичоқ, қилич, ўқ-ёй, қурол-яроғ ясаб, тоғдаги бир ғорга тўплаймиз. Мақсадимиз... ўч олиш. Мадалихонга қарши халқ бош кўтариши аниқ. Дехқон пешона тери билан етиштирган донининг ярмини бойларга берса, ортганидан хонга солиқ тўласа... Бунинг устига хоннинг аҳлоққа зид ишлари шариат аҳлида ғазаб уйғотмоқда. Улар билан тунлари учрашиб, режамизни пиштамиз. Бу сирдан бировнинг хабари йўқ. Оилаларимиздаги аёлларнинг ҳам. Бир сизга айтдим... ишониб айтдим. Вақти келса, бу алам вулқон каби портлайди. Шунда Қосимнинг ҳам, Қозиларнинг ҳам, мингбошидан тортиб хоннинг ўзи ҳам тавбасига таянади. Фақат куч йиғаяпмиз. Айни пайтда кутиш керак...

Мен унинг ёниб айтаётган сўзларининг маъносига кўпам тушунмасамда, Низом каби эр йигитлар куни келиб ёмонлардан қасос олишини билиб олдим. Бундан суюниб ҳовлиққанча сўрадим:

-Қачон экан ўшал кун? Қани мен ҳам сафингизда туриб уларнинг додини берсам!

-Сиз ожизасиз, синглим. Бизнинг вазифамиз аёл-қизларимиз номусини ҳимоя қилиш! Афсуски, золимлар биздан устун келмоқда. Йўқ, шундай қолмайди бу! Ҳали вақти келади...

-Энди мен нима қилсам экан? -дедим ўз тақдирим эсимга тушиб.

-Сизга барча сирларимни ошкор этишдан мақсадим ҳам сизнинг ушбу ҳолатингизга бир ечим топмоқ эди. Бундай қилсак: сизни уйингизга элтаман. Бибингизни кўндириб, барча керакли нарсаларингизни олиб, тоғдаги ғоримизга олиб борсам. Ўйламанг, ғоримиз ҳудди уйдек гап. У ерда баъзи оғаларимизнинг аёли, болалари ҳам яшайди. Кўпчилиги қувғиндаги, золимлар томонидан ноҳақ жабрланган оилалар. Бу жойнинг исини улар топа олишмайди. Чалкаш йўл. Қўзғалон бошланиб, Худо хоҳласа ғалаба қозонсак, ўз уйингизга қайтасиз.

-Кейин хон югурдаклари бизни безовта қилмайдими?

-Йўқ. Биз хонга ўз шартларимизни баён этамиз. Зулмкор амалдор ва бойларнинг танобини тортишади. Ҳеч кимни солиқ тўламадинг, деб дарра урдирилмайди! Қизларни ҳарамга судралмайди! Дехқонни ўз ерида эмин ишлашига қўйиб берилади.

-Ғалаба қозонармикинсизлар... -маъюсландим мен. -Ахир хоннинг лашкари жуда кўп-ку?

-Ўнта кўрқоқ аскардан битта мард тоғлик афзал. Ҳали бошласин, кўшни қишлоқлар аҳли ҳам бизга қўшилади. Кўпчилик бўламиз, насиб бўлса.

-Майли, -дедим. Айни пайтда Низомдан бошқа ишонадиган тоғим йўқлигини билиб турардим. -Унда манзилимга шошайлик. Тонг отиб қолмоқда.

-Ҳа, югурдик энди. Отга иккимиз миниб уловни чоптиришга тўғри келади.

Шундай қилдик. Учиб кетаётган оқ тулпорда гўё тушларимга орзулаган шахзодам билан кетаётгандек эдим. Қани энди бу йўллар бизни ўз бахт саройимизга элтса эди. Қани энди, хону қозилар йўқ бўлган гўзал мамлакатда бир умр бахтли-саодатли яшасак эди... Ўйларимдан уялиб кетдим. Низомжон нима дарддаю, менинг хаёлларим эса...

Ёнғин

Қишлоққа кириб келгач, секинлашдик. Сабаби... қишлоғимни таниб бўлмасди. Култепаларга айланган томлар, одамларнинг дод-фарёди, димоқни бўғадиган куйган ис... Низомжон отдан сакраб тушиб, йўлимизда учраган бир чолни саволга тутди. Устидаги кийими ёниб қорайиб қолган, ҳассага базўр таяниб, тўнкага чўккан чол аччиқ йиғлади.

-Сўрама, ўғлим. Яхшиси, келган жойингга қайт. Бугун тунда... золим хоннинг югурдаклари қишлоққа ўт қўйди.

-Нега, не сабабдан ота?!

-Биз деҳқонларнинг бу йил ҳосилимиз ҳар йилгидек бўлмади. Биласан... ҳамма ерларни бойлардан ижарага шерикчиликка олиб деҳқончилик қиламиз. Белгиланган ҳосилнинг ярми ҳам бўлмади. Шунга на бойларга аталган улушни беролдик, на хонга солиқ тўлолдик. Ўзимизнинг ейишга нонимиз қолмади... Хон эса додимизни эшитмади. Уч кун муҳлат берди. Йўқ ҳосил билан пулни қаердан ҳам олардик? Охири жазо тариқасида қишлоққа ўт қўйди. Қочган қочиб қутулди. Қолганлар...

-Борган сари кутурди бу хон!

-Бибим... -менинг эса нафасим бўғзимга келиб, уйим сари шошдим. -Бибим омонмикин ишқилиб? Бизнинг уйлар ҳам ёниб битдимикин?

Низомжон ҳам ортимдан шошди. Уч кўчани ортда қолдириб, олисдан қорайиб турган уйимга кўзим тушди. Ёнибди! Ёнмаган жой қолмапти бу ерда.

-Ана!

Низомжон билан кетма кет уйга кирдик.

-Бибижон!

Чақира-чақира хоналарни кездим. Садо бўлмади.

-Балки оловдан қочиб томга чиққандир, -деди Низомжон ва нарвондан тепага чиқди. -Топдим!

Чиндан ҳам бибим олов етиб бормаган томдаги пичанда чўзилганча хушларини йўқотган эканлар. Сув сепиб ўзларига келтирдик.

-Бибим... ўзимнинг бибижоним. Қўрқитманг мени.

-Зубайда... сенмисан, болам? -зўрға тилга кирди бибим.

-Ҳа, мен. Келдим ёнингизга. Энди сира айрилмаймиз.

Кучоқлашиб йиғлашдик. Низомжон бизни холи қолдириб, пастга тушиб кетди.

Мен ҳам бибимни ортмоқлаб, пастга туширдим. Айвонга келиб ётқиздим.

-Қосим деганлари ҳаммани қақшатди, болам.

-Эшитдик...

-Бу йигит ким бўлди? -сўради бибим Низомни пайқагач.

-Тоғлик қўшнимиз. Мени элтиб қўйди шу ерга.

-Онанг яхшими?

-Ҳа...

-Нега келдинг? Хоннинг одамлари ҳали ҳамон яна келса керак. Вақт борида ортингга қайт, қизим.

-Йўқ, боролмайман, биби... борсам мени Қозига узатишади. Ўғай отам қўймайди.

-Оҳ... шўримиз қурсин!

-Сиқилманг. Биз Низомжон билан кетамиз! У бизни ҳимоя қилади.

Низомжон бизни шоширди:

-Юринг, момо. Зубайда тўғри айтади. Хавфсиз жойга кетамиз. Чинданам хон аскарлари келиб яна тўполон қилиши аниқ. Улар ҳамманинг бор-будини шилгач ҳам тўйишмайди.

-Сен кет, қизим. Мен билан узоққа боролмайсизлар. Ҳолимни кўриб турибсан...

-Йўқ, сизни ташлаб кетолмайман!

Низом уйдаги аравани отига бойлади. Аравага уйдаги керакли буюм ва егулик жойлаб, бибимни ҳам ўтқаздик. Мен ва Низомжон эса пиёда бўлдик. Тулпор хориган эди. Қишлоқ аҳлининг фарёди бироз тинган. Кимдир омон қолган жигарининг дардида, кимдир бисотидаги арзимас буюмларнинг оловини ўчириш билан машғул. Иштончан болалар бўлса болалигига бориб, фалокат бўлмагандек ариқда чўмилишга киришиб кетишибди.

Биз эса оҳиста кетиб бормоқдамиз. Яхшиямки, йўлимда Низомжон учрабди. Йўқса, билмадим ҳолимиз не кечарди? Қишлоқдан чиқай деганимизда рўпамиздан отлиқ суриб келаётган аскарларга кўзимиз тушди. Низом бизга шипшиди:

-Нариги қишлоқдаги табибга кетяпмиз.

-Тушундик...

Отлиқ ёнимиздан ўта туриб, бизни тўхтатди. Паранжимдан ғира-шира кўриниб турган тиртиқ юзли одамни дарҳол танидим. Бу ўша Қосим эди! У Низомни саволга тутди:

-Кимсан? Қаерга кетаяпсан?

Низомжон ҳам уни яхши таниб турарди. Қўллари мушт билан тугилганини пайқадим. Аммо мулойимлик билан жавоб қайтарди.

-Кўшни қишлоқданман. Момонни қишлоғимдаги табибга олиб кетаяпман. Бемор эди...

-Буниси ким? -у менга имо қилди.

-Завжам...

-Ҳм... борабер.

Қосим аскарларга «кетдик», ишорасини қилди. Араванинг ёнидан ўтаётиб, “момо”га бир назар ташлади. Иссиқда юзини хийла очиб, ухлаб қолган бибимга синчиклаб боқди.

-Тўхтачи... хей кампир, уйғон. Сен ҳалиги... қавикчи эмасмисан?

Баланд овоздан кўзлари очилган бибим Қосимни кўриб юзини шартта ёпди.

-Танидим, танидим! Анави қочқоқ қизинг келдими?

-Келмади, хўжам, -жавоб берди бибим эзгин.

-Изладингми ўзи? Ё хипчиним зарбасини унутдингми? Топиб кел, дегандим-ку сенга?

-Ўзиям, изиям йўқ боламнинг.
Қосим бибимдан кўзларини олиб мен томон тикди. Бошдан оёқ разм солди.
Низомжон томоқ қирди.
-Ўзганинг маҳрамига қарамайдилар, -деди сўнг.
-Маҳраминг... у момонинг набираси эмасми? Ўшанга уйланганмисан?
-Йўқ. У ўз қишлоғимдан.
-Исми нима?
-Зулайхо.
-Зулайхо дегин? Ўзи кўхликкинами исмига монанд?..
Низомжон қўлимдан ушлаб, ортига яширди:
-Йўлингдан қолма Қосим. Ҳозир солиғингни йиғ...
-Солиқ қочиб кетмайди. Аммо хонга яна бир совға олиб борсам, йиғилмаган солиқлар учун мени авф этади.
Бибим ҳайқирди:
-Қишлоқда дастингдан юриб бўлмай қолди, югурик!
Қосим хиринглаб кулди. Аскарларига бир имо қилганди, тўртгаси отидан тушиб биз томон яқинлашди. Низомжон ҳам шуни кутган чоғи қиличини яланғочлаб уларга қарши чикди. Бир уринишда иккита аскарни қиличдан ўтказди. Буни кутмаган Қосим қолганларни ҳам ишга солди.
-Мард бўлсанг мен билан якка олиш! -деди Низомжон, -ўзинг қаршимдан чиқдинг! Сен билан юзлашиш менга доимий истак эди.
-Аввал аскарларимни енг, шунчалик кучинг кўпайиб кетган бўлса! -кесатди Қосим.
Яна тўрттовлашиб Низомни қуршаб олган аскарлар унга арқон ташлашди. Қолганлар эса уни қуролсизлантириб, маҳкам бойлаб қўйишди.
-Ҳалиям ботирмисан? -кулди Қосим. Сўнгра аскарлар уни дўппослай кетишди.
-Тегманлар унга! -дея дод солдим.
Низом хушини йўқотди. Қосим менга яқинлашди. Жон ҳолатда бибим тарафга юрдим. Лекин паранжимни юлқишга улгурган баттолнинг аскарлари бизни қуршаб турарди.
-Ҳа адашмапман! Сен ўшасан! -деди Қосим юзимга тикилиб. -Бу жоду кўзларни унутиб бўлармиди?
Бибим мени бағрига босди.
-Уни олиб кетма, -ялинди бибим. -Ҳаётимда ундан бошқа ҳеч кимим йўқ. Раҳм қил...
-Аслида қочириб юборганинг, хоннинг канизини анави йигитга эрга берганинг учун аллақачон жазойингни олишинг керак эди, шум кампир. Лекин бугун кайфим чоғ: сенга раҳм қиламан. Анави куёвинг билан бу ерлардан даф бўлларинг. Кўзимдан нари юрсанг жонинг соғ қолади.
Шундай дегач аскарлар мени мажбуран отга мингаштиришди.
Бибим отлиқлар ортидан фарёд солганча қолабердилар. Ночор бибим ва бехуш Низомжон билан хаёлан хайрлашганча кўзларимни юмдим. Мен ҳам хушимни йўқотибман...

Кутилмаган учрашув

Мана, ўшандан бери Ўрдадаман. Низомжоннинг, бибимнинг тақдири не кечди

экан, ўйлайвериб эсим кетади. Ишқилиб омонмикинлар? Низомжон... мени деб у ҳам азобда қолди. Форга етиб олишдимикин? Ўша айтган халқ кураши қачон бошланаркин? Қурол-яроғлари тахт бўлганми? Қачон бу кулфатли макондан қутулар эканмиз?
Қосим югурикни ўшандан кейин кўрмадим. Яна кимларни овлаб юрибди экан? Аммо мендан сўнг ҳарамга бошқа қиз келтирилмади. Шунга ҳам 40 кун бўлибди. Қирқ кунки, қирқ йилга тенг. Ҳар дақиқаси юрагимга ғулу солади. Ишқилиб, хон мени чорламасин...
Мен кўрққан қора кунлар келди. Бир куни мени алоҳида хонага олиб киришди.
-Сен шу ерда яшайсан, сенга жория ёлланади.
Безатилиғ бундай шохона хоналар хоннинг энг сулув канизларига ажратилишини эшитгандим. Булар беш-олтитани ташкил этади. Канизларга хизматчилар ажратилади. Энг сара таомлар ва либослар тортиқ қилинади.
Бироз ўтиб ёнимга ёшлари 30 атрофидаги бир нозик аёл кириб келди. Таъзим қилиб, қўлидаги либосларни ёнимга қўйди.
-Шуларни кийиб олинг, бекам. Нима юмушингиз бўлса, айтинг...
Мен унинг қўлларидан тутдим:
-Опа, хон соғайибдимми?!
Кўркув тўла нигоҳларим уни эритдим, мени бағрига босди:
-Шундай дейишди...
-Ёнимга ташриф буюрарканми?
-Ҳа...
Йиғлаб юбордим.
-Йиғлама, синглим. Пешонангда бор экан. Эртагача сени маликалардек безантириш менга топширилди. Қачонлардир... шу хонада сенинг ўрнингда ўтиргандим.
-Чинданми? Сиз ҳам канизмидингиз?
-Ҳа. Энди эса хизматчи жорияман.
Аёл ёнимга чўкиб кўз ёшларимни артди.
-Энди бирор нарса тотин. Очикқандирсан...
Томоғимдан овқат ўтармиди? Аёлни бу тун ёнимда қолишига кўндирдим.
Ухламай, ҳасратлашиб чикдик. Мен унга бу ерга келиб қолиш тарихимни сўзлаб бердим. Низомжон исмини тилга олганимда аёл сергакланди:
-Низомжон... ўзи тоғлик дединг-а?
-Шундай.
-Отасининг касби нима?
-Пичоқсоз экан.
-Онаси... вафот этганми?
-Ҳа. Сиз уларни танийсизми?
Аёл қўлларимдан тутиб уни ўпди:
-Худойимга шукур. Оилам ҳақда эшитмай ўлиб кетаман, дегандим! Низомжон... менинг укам бўлади.
-Чинданми?! Ҳая... опам ҳам ҳарамда деб айтгандилар.
-Ўзлари соғ эканми? Отамлар қандай экин?
-Бардамлар. Отангизни кўрмадим, аммо ҳунарлари билан шуғулланмоқдалар.
Укангиз ҳам шу юмуш ила банд.
-Бор бўлишсин! Уларни эсламаган куним йўқ.

-Биласизми... -мен атрофга секиб қараб пичирладим, -ҳадемай биз озод бўламиз. Низомжон тоғда хонга қарши исёнчиларни йиғмоқда.

-Ростми? Қани энди бу қафасдан чиқиб кетолсак!

Опа-сингилдек бўлиб бир-биримизни кучганча орзуларга берилдик. Исмлари Ойша экан. Бу ерга келганларига ҳам ўн йилдан ошибди. Биринчи йил хоннинг севимли канизи, кейинроқ иккинчи даражали каниз, сўнг онда -сонда йўқлаганидан унутилган маъшуқа, охири эса оддий жорияга айланибди. Бу ерда ҳамманинг тақдири шу экан... Ҳар қандай хурлиқо ҳам бу хонада йилдан ортиқ яшамаган эмиш.

-Мен унашилган эдим, -ўз ҳаётидан сўз очди Ойша опа. -Тоғнинг энг забардаст йигити мени пинҳона севарди. Мен ҳам уни ичимдан суюрдим. Оталаримиз келишиб бизни унаштиришди. Тўй куни бўйнинг узулгур Қосим қишлоғимизга келиб қолди. Аскарлари тўйни бузди. Мени олиб кетишди. Номусга чидамаган инсоним эса аскарлар билан олишиб жон берди... Саройга келгач суйганимдан айрилганим доғида ёндим. Ҳаётнинг қизиғи бўлмай қолди.

-Ҳали бахтиёр бўласиз, опа. Укангиз бизни албатта қутқаради. Фақат... қани номусим хоннинг чангалида барбод бўлмаса эди! -эртанги кун ёдимда тушиб ўзимни Ойша опамнинг оёқларига ташладим.

-Қўлимдан келса эди, синглим... сени асло золимнинг қўйнига ташламас эдим.

Тонг бўзара бошлади. Йиғидан қизарган юзимизни чайиб озроқ мевадан тотиндик.

-Мен энди борай, юмушим кўп... Хон тунда келади.

-Опажон...

-Мен унгача яна келаман, синглим.

Ойша опа кетгач, бир-биридан бежирим либосларга кўзим тушди. Ҳаммасини бурдалаб ташласам эди. Айвонга чиқиб ташқарига назар ташладим. Осуда тонг. Қалб эса бирам нотинчки...

Исён

Тушдан сўнг Ойша опамнинг шоша-пиша хонамга кириб келиши мени сергаклантирди.

-Кечаги гапларингга фаришталар омин деган кўринади, Зубайда. Қўзғолончилар саройга яқинлашиб қолибди. Икки-учта қишлоқ аҳли ҳам уларга қўшилганмиш. Ҳамма аскарлар ўша ёққа сафарбар бўлган. Хон ҳозир шунинг дардида... балки бугун ёнингга келмас.

Эшитган хушxabарим қувончидан тилим айланмай, опамни кучиб олдим.

-Биламан, улар орасида Низомжон ҳам бор! -дедим бахтдан сармаст бўлиб.

Ойша опам кўзларимга бир зум тикилди.

-Қизгина-ей, бу чиройли кўзларингга фақат укамнинг суратини кўраяпман...

Уялиб юзларимни беркитдим.

-Сендек қизни келин қилсак, қанийди, -дедилар опам хўрсиниб, -илойим хонимиз сени эсламасин...

Сарой ҳам нотинчланиб қолди. Қоровуллар сони кўпайтирилиб, сарой дарвозаси маҳкам тамбаланибди. Ҳаммасидан мени Ойша опам хабардор қиларди. Айтишича, аскарларнинг кўпчилигидан айрилган хон заҳирадаги гуруҳни ҳам исённи бостиришга жалб этибди. Айтишларича халқ ҳам курул -яроқ билан етарлича таъминланган эмиш. Сон жиҳатдан аскарлардан кам бўлишсада, мардоналарча сарой сари елиб келишмоқда

экан.

Ўша тун бахтимга хон келмади. Эртаси тонгда шовқин-сурондан уйғониб кетдим. Ойша опам тепамга кулиб турибди:

-Ҳамма ёқда хоннинг хос соқчилари. Сарой ташқарисида эса йиғилган оломон.

Улар қалъани бузиб киришга уринишяпти. Хон эса замбаракларни ишга солган.

Исёнчиларнинг ҳаракатини бостира олмаган кўринади: ҳамма мулозимлар ташвишда. Лекин бу дарвозани осонликча бузиб бўлмайди-да...

-Низомжон ҳам улар орасидамикин?

-Қайдам. Укамни ўн йилдан бери кўрмадим. Таний олмасам керак.

-Хон уларга қаршилиқ қилолмаётган эканда?

-Қоровулларнинг айтишича, хон хотинлари ва хос соқчиларини олиб тайёргарлик кўрмоқда эмиш. Назаримда, қочади. Саройнинг қаеридадир ер ости йўли бор дейишади. Буни фақат хон билади.

-Майли... қочиб кетса ҳам даф бўлса бўлди.

Ойша опам вазиятни билиш учун яна кетди.

Орадан кўп ўтмай атрофда «ёнғин!» деган овоз эшитилди. Айвондан қараб чинданам сарой ташқарисидан ичкарига отилаётган оловли шарларга кўзимиз тушди. Ҳамма дод-вой билан саройнинг ҳовлисига чиқарди. Мен ҳам дарпардаларга ўрлаётган оловни кўриб, эшикни тортдим. Аммо у доимгидек қулфлог эди. Ойша опам кириб чиққач қоровул уни қулфлаб кўярди.

-Хой, қоровул! Эшикни оч, ичкарига олов кетди!

Қоровул аллақачон қочиб қолган кўринади. Садо бўлмади. Шу пайт Ойша опамнинг товуши келди.

-Зубайда! Саройга ўт кетяпти! Қоровул ҳам кетиб қолибди. Баттол хон яширин йўл билан саройни тарк этибди. Ҳамма аскарлар қочиб қолди.

-Энди эшикни қандай очамиз, опа?

-Мен ҳозир... ёрдамга кимнидир чақираман. Сен кўркма.

Пардалардан ётоққа ўтган олов тобора алангалаб борарди.

Айвонга чиқдим. Ерга сакрай десам жуда баланд. Ёниб кул бўлаётган катта дарвоза бирдан ағдарилди. Халқ ёпирилиб ичкарига кирди. Юзлаб одамлар ичра Низомни изладим. Аммо кўзим тушмади. Овозим борича уларга хайриқиб ёрдам сўрадим. Лекин бошқа айвонлардан ҳам ёрдам сўраётган ўнлаб овозлар ичра менинг сўзларим кўмилиб кетди.

Эшикни бор кучим билан итардим. Ойша опа келармикин? Олов тутуни димоғимни бўға бошлади. Жон ҳолатда ерга ўтирганча қунишиб олдим. Бир пайт эшикнинг бузиб очилганини эшитдим. Бу пайтда тутундан нафасим қайтиб, беҳушлана бошлагандим. Кимдир мени кўтариб, ташқарига олиб чиқди. Ойша опамнинг:

-Чида, синглим. Низомни топиб келдим, -деган сўзлари қулоғимга чалинарди.

Низом... бу сўзни эшитиб кўзларимни очдим. Сарой ташқарисидаги боғда эдик.

Атроф тўла ғала-ғовур бўлсада улар ичидан энг қадрли овозни ажратиб олдим:

-Зубайда! Сени ниҳоят топдим...

Юзимга сув сепган Ойша опамга ва бошимни тиззасига қўйиб ўтирган Низомжонга кўзим тушди.

-Келдингизми?

-Ҳа... куч йиғиб келдик. Ҳайриятки, омон экансан.

Низомжоннинг бирдан сенсираши хуш ёқарди. Ойша опам жилмайди.

-Саройга кириб келган оломон ичра роса Низомлаб чақирдим. Яхшики, у энг олди қаторда турган экан. Мени ўзи таниди!

-Майли, қолган гапларни кейин гаплашамиз. Ҳозир иккингишни хавфсиз ерга қўйишим керак.

Низом опаси иккимизни сарой ташқарисида турган бир от аравага ўтказди. Бу ерда бошқа аёл-қизлар ҳам бор экан.

-Сен қаерга, укажон?

-Хонни топишимиз керак!

-У аллақачон қочиб кетган. Содиқ мулозимлари билан...

-Қосимчи?!

-Уни кўрганим йўқ.

-Саройни барибир обдон тинтиб кўрамиз. Хон малайларини тутсак ҳам фойда беради. Кейин зиндондаги маҳбусларни озод қилиб, харамни ҳам очамиз. Ҳаммага эркинлик берилади!

-Отам ҳам шу ердами? -илҳақ сўради Ойша опа.

-Йўқ, отамни ғорга қоровул қилиб келдик. У ерларни отамчалик яхши биладиган одам йўқ. У сафдошларимизга қурол-яроғ етказиб турди.

-Кўришсам эди...

-Оз қолди, опа.

Низомжон кетди. Сарой ташқарисидаги ўнлаб аравалар қиз-аёллар ва зиндондан озод этилган кишилар билан тўлди. Улар қишлоқ бўйича сараланиб, ҳар бир аравакаш маълум йўналишларда манзилига йўл олди. Барча озод этилганлар ўз уйи сари йўл олишар, кўзларидаги қувонч ва шукроналикни ҳеч нимага қиёслаб бўлмасди. Биз бўлса Низомни кутардик.

Кечга қадар сарой ичи тинчиди. У исёнчилар томонидан тўлиқ эгалланганди. Аскарлар қочди, айримлари эса исёнчиларга қўшилди. Хоннинг хотинлари, мулозимлари, Қосимни топиб бўлмади. Сарой ичидаги яширин ертўланинг изи ҳам йўқ эмиш. Кеч тушгач, Ойша опа иккимизга егулик келтирди. Ул-бул танаввул қилдик.

-Шу битта арава қолган, -деди Низомжон. -Ўшанда отамнинг ёнига кетасизлар. Ишончли одам қўяман. Биз эса бир неча кун шу ерда бўламиз. Бу ерда энди нима қилишимиз маслаҳат қилинади. Хон билан гаплашишимиз зарур. Тахт бўш қолса, душманларга қўл келиши мумкин.

-Сен ҳам биз билан кетақол...

-Иложим йўқ. Йўлбошчимизнинг ўнг қўлиман.

-Майли, асра ўзингни унда... —деди Ойша опам.

-Айтганча, шу пайтгача бибим ҳақда сўрашга имкон тополмай турган эдим... саломатмилар? -сўрадим мен.

-Ҳа, яхшилар, ғорда биз йигитларга ширин таомлар пишириб хурсанд қилдилар. -Низомжон ўша кунги воқеани эслаб, қўшиб қўйди. -Ўша куни сени ҳимоя қилолмадим, кечир...

-Ундай деманг. Бунча аскарга бас келиб бўлмасди...

Ойша опа бизга жилмайдида, аравадан тушиб, нарироқ кетди. Низомжон опасининг ёнида сўзлай олмай турган чоғи дадилланди:

-Эҳ, Зубайда... сени олиб кетишгач, кўп ўтмай ўзимга келдим. Бибинг қўлларимни бўшатган, ўзлари эса толиқиб ухлаб қолган эканлар. Аравани тоққа элтдим. Онам ва отамга бибингизни топшириб, ўзим ғордан бери келмадим.

Одамларни тўплаш, қуролларни тайёрлаш, ҳаммани жангга сафарбар этишдан бўшамадим. Сени тезроқ ўша қафасдан олиб чиқиш ўтида ёндим... Ярамас Қосим ва Хондан неча марта қасд олишимни хаёлан жонлантирдим. Улар... сендек маъсума қизни... -Низомжон ерга қараганча қўлларини муштлади.

-Низом ака... -унинг дилидан ўтган ўйларни пайқадим. У мени аллақачон хоннинг қурбонига айланган санаса керак. -Бибимнинг дуолари мени асради. Хон билан учрашиш шукурки, насиб бўлмади.

Низом ярқ этиб кўзларимга қаради.

-Шукур... -у қўлларимдан тутди.

Нигоҳларим ерга қадалди. Қўлларимни унга тутиб туришим уят эканини билсамда, илиқ кафтлардан айрилгим келмасди.

-Энди сени ҳеч кимга бермайман, Зубайда.

-Ойша опам кутиб қолмасинлар...

-Хўп. Эрта-индин ортингиздан бораман.

-Кутамиз...

Низом қўлларимни бўшатдида, Ойша опамни чақирди. Сўнгра биз билан хайрлашиб кузатдилар.

Ғордаги аҳд

Аравани Низомнинг яқин дўсти хайдаб борарди. Биз эса Ойша опам билан бир-биримизга суянганча уйқуга кетибмиз. Тонг отганда тоққа етиб келгандик. Аравадан тушиб, паранжиларга ўрандик. Аравакаш йигит бизни тоғнинг ингичка йўли бўйлаб тепаликка бошлади. Анча юрдик. Ахийри ғорга ҳам етиб келдик. Ғор оғзида биз томон қараб турган кекса киши аравакаш билан саломлашди. Галаба хабарини эшитиб, дўпписини осмонга отди. Шу пайт Ойша опам ўзини тутолмай, чолнинг оёқларига йиқилди.

-Отажон! -шундай деб юзини очди.

Чол унга синчиклаб бокиб, ердан турғизди.

-Ойша... Ойшамисан?

-Ҳа, мен!

-Омонмисан, болам? -у қизини бағрига босди.

Мен эсам уларни ёлғиз қолдириб аста ичкарига мўраладим: ўзим-да бибимни кўриш илинжида эдим.

-Биби!

Узоқ кутмадим, ичкаридаги қоронғуликдан жуссаси кичик шарпа отилиб чиқиб мени бағрига босди:

-Ўзингмисан, Зубайда!

Узоқ бир-биримизга тўймай қучоқлашдик. Иккимиз-да кўзларимизга ишонмас эдик. Ойша опа ва отаси ҳам ичкарилашди. Чолга салом бердим.

-Сен экансанда Зубайда деган қиз? -бобо кулди. -Буёқда бибингни сени эсламаган куни йўқ, буёқда эса ўғлимнинг тунлари ороми йўқ... ҳаммани оёққа турғизган, ҳаракатимизни тезлаштирган ҳам сен қизгина бўласан. Ҳа, умринг узун бўлгур-ей!

-Отамдан тортинма, -деди Зубайда паранжимни оларкан. -Уни ўз отанг деб бил...

-Хўп бўлади.

Шу куни ғор оғзида суҳбатлашиб ўтирдик. Бу ерда иккита аёл ва болалар

борлигига ҳам гувоҳ бўлдим. Улар халок бўлган эркакларнинг оиласи экан. Борадиган жойи бўлмагач шу ерга келишибди.

-Ҳали хон тавбасига таянажак. Халқнинг шартига кўниб, нонкўр Қози ва бойларнинг танобини тортиб қўйса, ноҳақликларга барҳам берса, бўлди! Солиқларни камайтиришга ҳам эришамиз ҳали. Бундан ташқари, динимизда кўрсатилган шариат чегараларини бузишни ҳам бас қилиши лозим.

-Илойим, отажон, -деди Ойша опа. -Ишқилиб хон қайтмасмикин?

-Балки шарманда бўлиб қайтиб келар. Халқдан узр сўраса, бошини бизга эгса, унинг жони кимга керак? Биз қонхўр эмасмиз. Хон билан юзма юз сўзлашиб ўз шартларимизни баён этамиз. Йўлбошчимизнинг кўлидан келади бу иш...

Ўша тунда тошда ётсамда, бунчалик тўйиб ухламаган эдим. Саройнинг юмшоқ тўшаклари чаёндек чақарди. Бу ернинг тошлари эса пардек... Бибим билан ачомлашиб ётишни жуда соғинган эдим. Эрта тонгда эса бибимнинг маслаҳатига кўра, онамни кўриб келишга аҳд қилдим. Мендан ҳавотир олиб ўтиргандир. Ўғай отам йўқ вақти бораман.

Бибим билан пешин намози ўқилар вақтда уйга кириб бордик. Ўйлаганимиздек, онам ёлғиз экан. Мени кўриши билан кела солиб кучоқлади. Сўнгра бибим билан кўришишди. Ўтиргач, ўтган воқеаларни сўзлаб бердик.

-Эшитдим... Низомжон қўшнимиз бир куни келиб сени хон харамига олиб кетганларини айтганди. Қутулганинг чин бўлсин.

-Ўғай отам роса тўполон қилгандир?

-Ҳа... лекин кўп ўтмай, эсидан чиқди. Берилган нарсаларни бориचा қайтариб бердик. Қозининг хотини эса соғайиб кетди.

Онам билан кўп гаплашолмасдик. Қаерда турганимизни ҳам айтмадик. Қишлоққа қайтамиз, деб хайрлашдик. Ғорга қайтганимизда юрагим орзиқиб кетди. Сабаби ғор бошида у ёқдан бу ёққа бориб келаётган Низомжонга кўзим тушганди. У бизни кўрибоқ ёнимизга келди.

-Момо, ғордан чиқманглар, деб тайинлагандим.

-Онасини кўриб келдик, болам...

-Барибир хавфлида. Зубайда... -у менга норози боқди. -Энди топганимда яна...

У бибимдан истиҳола қилди чоғи гапини тугалламади. Бибим тушмагур бўлса:

-Энди йўқотмайсан. Шу қизимни сенга бердим! -десалар борми?

Ғор ичига чопиб кириб кетдим.

У ерда эса Ойша опам уялтирди.

-Низомжон ғордан қурол-яроғ олиш баҳонада сени кўзлаб келибди. Ахир кечагина анави аравада тўла темир-терсак бериб юборишганди.

-Опа...

-Майли, майли. Яхшиси, у билан гаплашиб олинглар. Ҳали замон кетса керак...

Ғордан аста мўралаб Низомнинг сой томондаги харсангга ўтириб сувга тош отаётганига гувоҳ бўлдим. Овоз чиқармай ўша ёққа одимладим. У қадам товушларимни барибир сезди ва ортига ўгириб мени қаршилади.

-Зубайда... кетиш вақти бўлди. Ундан аввал... сендан бир нима сўрасам дегандим. Шунда кўнгил тинч кетардим.

-Не экан?..

-Шу чокқача ҳаёлим фақат жангу қасос билан банд эди. Сени учратгандан сўнг... бари ўзгарди. Хаёлларимда... сен билан осуда ҳаёт кечирсам, сени бахтли аёл этсам...

Низомжон гапини давомини тополмай жилмайди.

-Шунга розимисан?..

Илк марта унинг кўзларига тик қарашга жазм этдим. Кўзларида аксимни кўрдим. Сўнгра бошимни ирғадимда беихтиёр кўзларим намланди. Бу ҳам бўлса бахт ҳиссидан эди.

-Мен тез қайтаман! -Низомжон тулпор томон шошаркан, ўзига йўқ шод эди.

Ортига қарай-қарай кетди... Мен ҳам отнинг харсанг тошларга урилган туёқлари жаранги ўчгунча у кетган томон термулиб қолдим.

Мен бахтли эдим...

Айрилиқ

Орадан ўн кунлар ўтди. Бу орада саройдан бир неча киши келиб вазиятдан бохабар этиб кетарди. Аммо Низомжон келолмади. Тезроқ бу ғалвалар тинчисаю, эмин-эркин қишлоққа қайтсак, деб дуо қиламиз.

Саройга кетган бобо қайтди.

-Хон қайтди. У халққа ён бериб, йўлбошчимиз айтган шафқатсиз амалдор ва бойларни қатл этишга ваъда қилди, -деди у, -Ўртадаги сулҳ шукурки, бизнинг фойдамизда ҳал бўлди. Қўзғолон аҳли энди тарқалди. Ўрда хонга қайтарилди. Эртага қатлда қонхўрлар айбига яраша жазо олади.

-Қосим ҳам қатл этилармикин? -сўради бибим.

-Хон унинг жонини сақлаб қолиш шарти билан бизнинг талабимизни адо этажак бўлди. У хоннинг ишончли малайи. Афсуски, югуриikka ҳеч кимнинг кучи етмайди...

-Халқнинг иродаси кучли. Буни Қосим ҳам билгандир. Зора энди эски хунаrlарини йиғиштирса... -дедилар бибим.

Менинг эса руҳим тушиб кетди. Қосимнинг тириклиги дилимга рахна соларди. Ғорда дунёдан узилиб қолгандек ўтирардик.

Эртасига ярим тунда ғорга кириб келган шарпа ҳаммани чўчитиб юборди.

Бобо унга пешвоз чиқди:

-Кимсан?

-Мен... -шарпа шундай деб йиқилди. Уни ғордан олиб чиқиб, ой нурида ўзимизнинг одам эканини билдик. У ярадор эди.

-Нима бўлди?! -Бобо хансираб ётган йигитнинг бошини тиззасига олди.

-Сулҳдан сўнг халқ ортига қайтди. Аммо... дарага келганда Қосим бошчилигидаги навкарлар бизни қуршаб олди. Барча қуролсиз эди... Навкарлар камчилик бўлсада, найза ва ёй билан қуролланишганди. Бизникилардан кўпчилиги халок бўлди... Қочганлар ҳар ёққа... тарқалди, -зўрға жавоб берди у.

-Хон жим қараб турдимиз?

-Хон Ўрдадан чиқмади.

-Низомжон-чи? Йўлбошчимизга не бўлди?

-Йўлбошчимиз асирга олинган. Низомжон... уни ҳимоя қиламан, деб...

-Йўқ!!

Бобо иккимизнинг ҳайқириғимиз тоғларга акс садо берди.

-Халок бўлдими?! -сўради бобо шивирлаб.

-Унга ханжар санчишди, йиқилди... ёнида эдим. Ғорга етиб боришимни тайинлади. Саройдан базўр чиқдим. Чикаётиб биқинимни қилич яралади. Кўп қон йўқотдим...

Бибим дарҳол унинг жароҳатини бойлади. Сув ичирди.
Мен бўлса карахт эдим... Низомга ҳанжар санчганлари кўз олдимга келдию, энди унинг йўқлигини англаб ўзимни тошларга урдим:
-Низомжон!!!
...Кўзимни очганимда бибим менга сув сепарди. Қуёш тиккага келган.
-Биби...
-Куйинма, болам. Тақдирингда бор экан...
Тўйиб йиғладим.
-Қишлоғимизга қайтамиз энди. Тайёрлан, болам...
Бобо билан хайрлашдик. Қадди букчайиб, кўзлари киртайиб кетган чол ҳам уйига қайтишини айтди. Аравакаш йигит бизни элтиб борарди. Мен бибимнинг қўйнига кирганча Низом билан сўнгги суҳбатимизни мингинчи марта хаёлимдан ўтказганча ётардим.
-Мен уни яхши кўрардим, биби...
-Кимни?
-Низомжонни...
-Болам... -бибим ҳам нима деб тасалли беришни билмай сочимни силади.
-У албатта қайтаман, деганди. Балки тирикдир...
-Ёлғон умид ёмон нарсa, қизим. Бошимдан ўтган... Бобонг балки тирикдир, деб йиллаб эшик қарадим. Бу орада ёлғизгина ўғлим улғайди, уйланди, сен туғилдинг... Мен бўлсам ҳамон бобогинангни кутардим.
Хаёлим чалғиб бобом ҳақда ўйлай кетдим. Уларни кўрмаган бўлсамда бибим таърифлаб берганлар. Савдогар бўлган эканлар. Бошқа юртларга мато сотиб ойлаб юрарканлар. Бир сафар савдо карвонини қароқчилар тунабди. Бобом ва бошқа савдогарларни ҳам ўлдиришибди. Бибим уларнинг мурдасини кўролмадилар. Саҳрода қолиб кетди. Шунинг учун ўлганларига ҳеч ишонмас, балки тирикдир, деган умид билан яшаганлар. Бибимга жуда қийин бўлганини биламан. Отам... отамни олиб кетган касаллик ҳам бибимни доғда қолдирди. Ҳаётларида мендан бошқа ҳеч ким қолмаган. Улар учун ҳам... яшашим керак.
Ҳозиргина ҳаётдан умидимни узиб “Низом акамнинг ёнига кетсам эди...” деган хаёлларимни қувдим. Бибимни ўйладим... Энди улардан бошқа ҳеч кимга керагим йўқ.
Уйга етиб келдик. Вайрона хонадонни бир неча кун эпакага келтирдик.
Қишлоқ аҳли ҳам яна аввалгидек яшай бошладилар. Кўплаб уйларда аза очилди... Қолган эркаклар бўлса, яна экин-текинига қайтди. Хон ўзига бўйсунган аҳолини кечиришини эълон қилгач, қочиб яшириниб юрган йигитлар ҳам уйига келди. Ҳаммаси олдинги ҳолига қайтиб борарди. Фарқи шуки, қайтаётган йигитлар орасида менинг Низомжоним йўқ эди...

Қатл

-Бугун қўзғалончилар шартига кўра хон айрим амалдорларни қатл этармиш, -деб чикди бир куни қўшнимиз.
-Хон ниҳоят халқнинг талабини бажарадиган бўлибдими? бибим хайрон бўлди.
-Халқ кўрсин учун қатл катта бозорда ўтказилармиш. Ўғлим ҳам кетди...
-Қўзғалончиларни ўлдириб, кейин уларнинг талабини бажаришдан не наф?!
-бибим оёғини шапатилади.
-Ўшанда хон халқни дей деса, амалдорлар дағдаға қилибди. Тахтдан айрилишни

истамай, уларга ён берибди. Қосим бундан фойдаланиб, қирғин уюштирган эканда. Қўзғалончилар сафидаги укам шундай дейди.
Хотин яна нималардир деб кетди.
-Аёллар ҳам борса бўладими? -деб сўрадим хаяжон ила.
-Сенга нима бор, талатўпда қонхўрликни кўриб! -деди бибим.
-Балки Низомжон ҳам ўша ерда бўлар...
-Бўлса ҳам... Қосим уни тирик қўймайди. У хонга сездирмай барча қўзғалон аҳлини излаб юрибди, деб эшитдим. Кўрмаганинг маъкул...
-Бир бора кўрсам эди...
Бибим барибир кўнмади. Мен боришга аҳд қилгандим. Тушда бибим уйкуга кетгач, паранжимни ўрадимда, йўлга тушдим. Бозор яқин эди. Чиндан ҳам оломон жуда гавжум экан. Ўртада териб қўйилган дорларга кўзим тушди. Юрагим жизиллаб кетди. Бироздан сўнг бирма бир кишанланган беш-олти маҳбусларни олиб келишди. Улардан энг биринчида тургани мингбоши экан. Атрофни синчиклаб кузатдим, Низомжонга кўзим тушмади.
-Осилсин! -деган буйруқ келди.
Овоз эгасини танидим. Бу югурик эди. Эй, худо! Паранжида мени билмайди, Худога шукур. Дорга осиш саҳнасини кўрмаслик учун юзимни бурдим. Кўпчилик шундай қилди. Катл этилган бечораларнинг қондошлари эса изиллаб дод солди. Қосим дағдаға билан оломонни тинчитди. Қулоқларимни беркитганча одамларни ёриб ўтиб уй сари шошдим.
-Барибир айтганингни қилдингми, Зубайда? -бибим гина билан кутиб олди.
-У ерда Низомжон йўқ экан, биби! -уларни кучиб олдим.
Гинани унутган бибим эса бошимни силади:
-Эҳ қизим-а... айтгандимку, унинг орамизда йўқлигига кўниккин.
Кўника олмасдим...
Ўша тунда дор саҳналари кўз олдимга келиб кўзимга уйқу инмади. Уйдан чиқиб, сўрида ётганча юлдузларга термулдим. Эртага ҳаво айнийдиган кўринади: юлдузлар жуда хира. Ҳадемай қиш келади. Қалбим каби атроф ҳам музлай бошлайди. Баҳор келишидан яна умид бормикин? Эндигина топганда... Қаҳратонлар баҳорингни янчиб кетса? Нега дунё шундоқ яралган?...

Беихтиёр кўзларим ёшланди. Хиқиллаганимни бибим эшитмасин деб девор ёнидаги бир туп тут тагига чўкдим. Барглари тўкилиб мунғайиб қолган дарахтни кучдим. Ўша ширин хотираларга берилиб кўзим илинибди...

Бир пайт эшикнинг аста тақиллаши чўчитиб юборди. Ухлаганимга кўп бўлмаган чоғи, хира ой ҳали тепада турибди. Дарбоза яна чертилди. Қўрқиб уй томон юра бошладим. Қосим келган бўлса-я?! Тезроқ яширинишим керак. Уни харамдан қочган қиз-жувонларни қайтариб юрибди, деб эшитган эдим. Ҳа, аниқ ўша! Хаяжонлангандан чопаман деб этагимни босиб олдим. Тупроқ ерга дуп этиб йиқилдим. Оёғим қайилганидан жоним оғриди.

Эшик ортидаги кимса шитирлашни эшитди, чоғи. Эшикни қаттиқроқ уриб:
-Зубайда! -деб овоз берди.
Танидим... танимасликнинг имкони йўқ эди.
Бу... Низомжоннинг товуши.
Югура солиб тамбаланган эшикни очдим. Ой ёруғида пешонаси реза тердан ялтираб турган Низомжонни танидим. Хушимми, тушимми деб тикилиб қолдим.

-Рухсат этасизми? -Низомжон тилга кирди. -Меҳмонга келдим...
Тилимга сўз келмай, йўл бўшатдим. У тўғри сўрига бориб ўтирди. Шунда унинг оқсоқланиб юрганига эътиборим тушди.
-Сиз... тириклингизни билардим, -дедим ниҳоят пичирлаб.
-Ҳа... шукур, -Низомжон атрофга боқди. -Бибингиз омонмилар?
-Омонлар. Ухлаяптилар. Очикқандирсиз?
-Жуда...
-Шоша-пиша нон, майиз ва сув келтирдим. Низомжон чинданам анча оч қолган экан.
-Олисдан келаяпсизми?
-Кўп эмас. Тунда йўлга чиқишимга тўғри келди. Кундузлари бизни излашаяпти.
-Ҳа, хабарим бор. Бугун бозорда... -уёғини айтолмай жимидим.
-Эшитдим. Зора шу билан бари тинчиб кетса.
-Мен ҳам бордим. Оломон ичидан сизни изладим. Ҳайрият, тирик экансиз...
-Яраланган эдим. Оёғимдан ва белимдан... Хушимни йўқотибман. Аскарлар мени ҳалок бўлганларга қўшиб дарага ташлашди. Хушимга келганимда ярим тунда ўликлар ичра ётардим. Базўр тонггача қишлоққа етиб олдим. У ерда отамнинг опаси- аммам яшарди. Ўша ердан паноҳ топдим. Аммам қўлдан келганча даво қилдилар. Оёғим дуруст. Ҳадемай тик юриб кетаман.
-Насиб... аммангиз омон бўлсинлар.
-Ўзларингиз-чи... Ўшандан кейин тоғда нималар бўлди?
-Хон саройни эгаллагач, биз ҳам бибим билан уйимизга қайтдик. Кўпчилик шундай қилди. Отангиз билан учраша олдингизми?
-Йўқ, аммо аммамнинг ўғиллари тириклигим хабарини етказишган. Эртага тунда тоққа кетаман. Ундан аввал... сени кўриб кетгим келди. Ҳайрият, шу ерда экансизлар. Иккиланиб йўлга чиққандим.
-Сизни кутардим... -кўзларимга яна ёш келди.
Низомжон ерга эниб, тиззамга бошини қўйди:
-Сени азобга қўйдим, Зубайда. Ваъдамда туролмадим... енгилдик.
-Ундай деманг... нима бўлмасин, сиздан ўзгаси менга...
Узоқ вақт жим қолдик. Фақат диллар сўзлашар, тил эса бир нима дейишга ожиз эди. Ичимдаги сўзлар тилга кўчолмай юракни титратарди: “Сиздан ўзгаси менга керак эмас”, “Бир умр сизни садоқат ила кутишга тайёрман...”, “Мен сизни... жудаям яхши кўраман”.
Низомжон кўнглимдаги уқарди. Қўлимдан тутиб,
-Кут, яна келаман. Сени тоққа, ўз уйимга олиб кетаман. Бахтли қиламан..., -деди-да ўрнидан турди.
У кетди... Юрагимда сўнган баҳорни уйғотиб кетди. Қаҳратонлар энди баҳоримни тортиб ололмаслигига ишонч бағишлаб кетди...
Сўрида ухлаб қолдим. Тонгда турсам, нарида чой қайнатиб ўтирган бибим сўроққа тутди:
-Тунда эт жунжикади. Нега очикликда ётдинг?
-Ўзим... уйқум келмади, -бибимга кулимсираб қучиб олдим. -Бир гап айтайми?
-Нима экан? Тушингда кимни кўрдинг?
-Низомжонни! У келаркан.
-Қизим...

-Ишонинг! Ҳали кўрасиз, биби.
-Хўп, сен нима десанг шу, ўлмасак кўрамиз, болам.
Ҳайриятки, бу туш эмас, ўнглиги менга аён эди.

Қассоб амир хужуми

Низомжонни кўп кутишга тўғри келмади.
Икки кун ўтиб тунда дарбоза қаттиқ тақиллади. Аввалига бибим уйғонди, сўнгра мен.
-Ким экан? -бибим ҳавотирга тушди.
-Бу Низомжон бўлса керак!
Югуриб ўрнимдан туриб эшик сари ошиқдим. Бибим ҳай-ҳайлаб қолди:
-Борма! Қосим келган!
Бибимнинг гапларидан эсим кириб, қадамим сустлашди. Секин бориб эшикка кулоқ тутдим.
-Мен... Зубайда.
Адашмаган эдим. Низомжонни ичкари уйга бошладим. Юрагини ҳовучлаб ўтирган бибим:
-Алҳазар! Арвоҳмисан, одаммисан, айт? –дедилар.
-Одам, одам, бибижон, -дедим мен.
-Нега унда қордек оппоқ? -бибим бизга яқинлашиб, Низомга тикилди. -Омон экансан-ку? Минг шукур, болам.
Низомжоннинг аҳволи чинданда яхши эмасди.
-Тинчмисиз, андак рангингиз оқарган? -сўрадим.
У ох тортиб ерга муштлади:
-Отам! Уни зиндонга ташлашибди. Қосимнинг иши бу!
-Шўрлик... -бибим Низомнинг елкасидан тутди. -Пешонамизда шундай кунлар бор экан, ўғлим.
-Ойша опамчи? Онангизчи? -сўрадим ҳовлиқиб.
-Онам ҳасталаниб ётибдилар. Ойша опам уларга қараяпти. Мен... отамни кутқаришим керак.
-Яна шулар билан қасдлашасанми, болам? Шунча қон тўкилгани етар. Ўз жонингни ўйла. Отанг пешонасида бўлса, қайтар. Хон аскарларни кўпайтириб, саройни тўлиқ ҳимоялаган. Қонхўрлар ҳаммани қиличдан ўтказиб юришибди. Сени кўриб қолишсами...
-Рост, -дедим мен ҳам Низомжонга эланиб, -илтимос, борманг у ёқларга. Бир марта омон қолдингиз. Энди... сиздан айрилишни истамаймиз. Опангиз, мен... сизсиз қандоқ қиламиз?
Низомжон илтижоли нигоҳларимга боқиб хўрсинди:
-Барчаси биз кутгандек бўлмади, Зубайда. Курашиш учун сира кеч бўлмайди. Бир ўзим қолсам ҳам... чекинмайман. Фақат аввалига отамни уларнинг чангалидан кутқаришим шарт.
Унинг аҳди қатъий эди. Бибим иккимиз яна нималар демадик. Охири бибим Низомнинг ҳолдан тойганини кўриб унга сўрига жой тахлаб берди. Биз эса ичкарида ётдик. Аммо ҳеч биримизнинг анчагача кўзимизга уйқу инмади. Тонгга яқин ухлаб қолибман. Турибоқ, сўрига мўраладим. Низомжон йўқ эди.
-У кетди, -деди бибим супадаги кўрпаларни йиғиштираркан. -Лекин келаман,

деди.

-Қандоқ келсин ўша жаҳаннамдан? Нега бунчалар қайсар бу Низомингиз? -дедим аламимдан.

-Қайсар, аммо мард. Унга неварамни ишониб бу дунёдан кетсам бўлади, -кулди бибим.

-Сиз ҳам жаҳлимни чиқазмангда энди!

-Қайтсам, совчи юбораман, деди... мендан розилигингни олди.

Уялиб тескари ўгирилдим. Лўла болишни кучоқлаб, сўрадим:

-Сиз нима дедингиз?

-Нима дердим, розилик бердим.

-Дарров-а? Мен сизни ташлаб барибир кетмайман... -уйдан югуриб чиқиб бибимни кучоқладим, -ўша қочқоқни деб сиздан кетайми?

Бибим пешонамдан ўпди:

-Ўн кунлигим борми энди... Онангга ташлашга кўзим қиймай шунча яшадим, раҳмат Яратганга. Йўлимизга Низомжонни йўлиқтирди. Ҳали хур замонлар келар, тўйлар қилиб, ўйнаб куларсизлар...

-Доим ёнимда бўлсангиз бўлди, биби.

Туш маҳали дарбозамиз шарт очилиб, Низомжон кўринди. Юзлари қизариб кетган, ҳаллослаб турарди.

-Вой ўлай, тинчликми? Ёв қувдими? -сўради бибим.

-Ёв келди, момо. Хон тахтдан ағдарилармиш...

-Во дариғ! Яна кўзғалончиларми?

-Йўк. Қўшни Бухоро амирлиги қўшин тортиб келаётибмиш. Мадалихонни “ўғай онасига уйланган кофир” деб эълон қилибди. Насрулло Хон² шунинг ваъжидан хонга қасд қилибди. Қосим ёрдам керак учун зиндондагиларни озод этди. Халқ ҳам хон ва Қосимни унутиб энди Хўқандни ҳимоя этмоқ ниятида йиғилибди. Қассоб номи билан танилган амирни хонликка киришига йўл қўймаймиз. Отам ҳам улар орасида. Мен сизларни бохабар этмоқ ниятинда келдим. Амир Насрулло шахримизга кирса катта қирғинбарот бўлади. Огоҳ этмасам бўлмасди. Агар тўлатўп бошланса, ўша ғорга кетинглар...

Бибим ва мен эшитганларимизга ишонмай бир-биримизга саволомуз тикилишардик.

-Сизчи... -сўрадим охири.

-Мен ҳам уларнинг сафида бўламан. Ўзингизни асранглар... -Низомжон шундай дея чиқиб кетди.

Юраклар зириллаб қолабердик...

Бир неча кун уйда хабар кутардик. Бу орада Низомжон бизни йўқлаб турар, шаҳардаги вазиятдан бохабар этарди. Унинг ғамхўрлиги сабаб кўнглимиз тинчир, ишонган тоғимиз борлиги учун гўё амир ерларимизга киролмайдигандек туюларди. Айтишича, кўзғалончилар йиғилиб, Бухоро амирига қарши қуролланишибди. Хоннинг кўрқоқлиги барчага аён бўлди. У Бухоро амири Бешариққа етиб келганда таслим бўлишини билдирди. Халқ бунга қарши бўлибди. Омма ўз ичидан Хўжа Қаландар³ исмли мисгар кишини хонга вакил қилиб юборибдилар.

Хўжа Қаландар бир кун хон тахтига ўтиришга рухсат сўраб, эвазига халқ

2 Тарихий шахс, ўз олончи.

3 ў он хони, Умархоннинг ў ли.

билан Насруллони хонлик тупроғидан чиқариб юборишга ваъда қилибди. Мадалихон чорасиз рози бўлибмиш. Аммо амалдор табақа бунга норози бўлиб, Хўжа Қаландарни зиндонлашни ёқлаб чиқишибди. Кўрқоқ хон амалдорлар сўзига кириб, мисгарни асир олибди.

Гарчи бизнинг Хўқандимиз Бухоро амири зулмидан омон қолган бўлсада, халқ орасида низолар кўпайди. Оломон хондан кўнгли қолган, уни тахтдан воз кечишга ундар эдилар. Тинчимаган шаҳарда кўзғалонлар кетма кетлиги узилмади. Низомжон ҳам жонини хатарга қўйиб кўзғалончилар сафида юрар, бундан менинг юрагим увишарди. Яратгандан унинг тани соғлиғини сўрардим.

Совчилар

Бир куни Ойша опам аммаси билан бизникига кириб келишди. Мен томда қишга ўтинларни ғамлаш билан овора эдим. Уларни бир кўрганда танидим: Ойша опам новча, аммалари эса миқтигина. Бибим уларни қаршилаб олди. Мен эсам томда пусайганча ўтирабердим. Энди улар кетмагунча бу ердан тушиб бўлибман.

Ҳайрият, бариси тинчиди. Низомжон хон тахтни ўз укасига бўшатиб берганини айтди. Янги хон Султон Маҳмуд[□] энди хонликни адолат ила бошқаришига ҳамма дуода. Аммо амалдорлар ва халқ ўртасиндаги адоват ҳамон кучли. Янги хонга қарши бўлганлар ҳам бисёр. Нима бўлсада, эл тинчлиги баридан муҳим.

Яхшилаб жойлашиб, ташқарига разм солдим. Бу ердан кўчамизнинг сўл тарафи бемалол кўринар эди. Буни қаранг... нарироқдаги тол тагида хазонларни эзғилаганча Низомжон турибди! Совчилар билан келган куёвни энди кўришим. Пик этиб кулдим. Рўмолимни яхшилаб ўрадимда, ўтиндан майдароғини олиб у томонга отдим. Ўзим эса беркиниб олдим. Сал ўтиб мўраладим. Низомжон мен томонга қараб жилмайиб ўтирибди. Сезиб қолди... яна устун ортига яшириндим.

Шу ахволда анча кутдим. Ора-сира мўралаб унинг бизнинг томга тикилиб турганига гувоҳ бўламан. Ахийри, хотинлар уйдан чиқишди. Бибим уларни кузаб, томга қаради:

-Туш, Зубайда...

Низомжонга охирги бор боқдим. У опасини қаршилаб, сўзга тутиб турган эди. Юзларида қувонч... мен томон боқиб хурсандчилигидан улашган бўлди. Мен ҳам аразимни якунлаб, нимтабассум қилдимда, нарвон сари юрдим. Бибим оғзимга оқ қанд тутди.

-Ол, энди фотиҳаликсан, қизим... Қўша қаригин.

Оқ қанд мазали эди...

Ойша опам келтирган матолар, қанд-курс, майда-чуйдаларни кўздан кечираётган бибим деди:

-Энди яна кўрпа қавишни бошласам... бу сафар ўзимнинг қизгинамга. Қишни ўтказиб олсак кейин...

-Нима кейин, биби? -кайфиятим ўзгарди. Бибимдан айрилишни ўйласам ҳечким кўзимга кўринмасди.

-Кўкламга чиқиб олсак тўй қиламиз, дейишди.

-Кейин... сизчи, биби? Биз айриламизми?

-Айрилмаймиз. Сен келин бўлиб кетасан, холос. Мен эса сени кўргани бораман...

-Тоғ жуда узоқ...

-Қайтангга онангга яқин бўласан. Кўнглим сендан тўқ бўлади.

-Менинг кўнглим эса тўқ бўлмайди, бибим. Ёлғиз ўзингиз... Сиз ҳам мен билан кетинг.

Бибим кулди:

-Энди мени бошингга ёстик қиласанми, болам. Шундай барно йигит турганда... мени ўйлама, қўшнилари бор.

Барибир бибимни олиб кетишни дилимга тугиб қўйдим.

-Берган билакузугим ёнингдами?

-Ҳа, қўлдан ечмайман.

-Тўйингга совғам бу. Ҳайрият, яхши кунларга етиб келди бу мерос. Уни насиб бўлса, сен ҳам набира қизингга тақасан...

Мен ҳам кўрпа қавишга ёрдамлашдим. Бўш қолганимда эса онамдан ўрганган ҳунарим зардўзликни бошладим. Низомжонга атаб бир рўмолча тикдим. Унинг ҳошиялари зар ипдан бўлиб, ўртасига кашта билан гуллар, дарахт, қуёш ва сой суратини солдим. Бу орзуимиздаги бахт салтанати эди...

Кўклам ҳужуми

Қиш охирлади. Бибим билан яна кўрпа қавиб, кашта тикиб кунимизни кўрардик. Уларни фақат бой ва амалдорларга пуллай олардик, энди қишлоқ аҳлида имкон қайда? Бу йил қаҳатчилик бўлди. Кузда урушдан тинкаси қуриган оломон қишлигини ғамлаб қўёлмади. Очлик ва ночорликка маҳкумлар сероб. Низомжон бўлмаганида биз ҳам нон тополмасдик. Орада Ойша опам билан ё бир ўзи келиб бизни йўқлаб турди. Аммо анчадан бери йўлига кўз тикамиз: кўринмайдир. Тоғ йўлини қалин қор босиб эмиш.

Бодом гуллари кўзга кўриниб қолган чоғларнинг бирида эшикдан онам кириб келдилар. Бибим билан суюнганча қаршиладик. Ичкари уйга кириб, сандалга чўкдик. Кўклам келган эсада, қиш захри аримаган, чопонда ўтирардик. Онам ҳам қалингина чопон ёпинчигини ечиб, бизга юзланди:

-Эшитдим. Низомжон қўшнимиз қуёв деса арзигулик ўғлон. Фотиҳа хабарини билгач, бир суюндим. Ойшахон онаси билан бизникига ҳам элчи бўлиб чиқишди...

-Шундоқми? Хўш, нима жавоб қилдинг?

-Бибиси нима деса шу дедим. Қизимга мендан кўра сиз ҳақлисиз. Мен она бўлиб унга нима беролдим... -маюсланди онам, -ҳатто Қозига бериб юборишса ҳам қўлимдан ҳеч иш келмасди.

-Майли, ўтган гапларни қўй, келин. Низомжон ва оиласи дурустми? Анчадан бери хабарини эшитмаймиз...

-Ҳа, тузук... Мен ҳам уларнинг шароитини кўриб, баҳонада келиб кетай дедим. Низомжон кела олмаганига узр айттирди.

-Тинчликми ўзи? -бибим ҳавотирланди. Мен ҳам вужудим қулоққа айланиб онамга тикилардим.

-Низомжон отасини бериб қўйди. Бандалик экан...

-Ох... Худо раҳматига олсин!

Кўз олдимга бобонинг нурли сиймоси келиб қўлимга дуога очдим. Низомжонни қайғусини ўйлаб кўзим намланди. Отасини қанчалик ардоқлар эди...

-Ҳали қирқи чиқмади. Низомжон оиласини ёлғиз ташлаб кела олмади. Онаси яна ҳасталанган. Қишда биласиз, тоғда кун кўриш мушкул...

-Энди қолганлар соғ бўлсин, илойим.

-Ойшахон тўйни биров кечиртирамизми, дейди.

-Тўғри айтади. Отасининг қирқи ўтсин.

-Ҳаволар илигач келашади опа-ука. Сен яхшимисан, қизим? -онам менга юзланди. -Тани-жонинг соғми?

-Шукур, она. Укаларим ҳам дурустми? -дедим шу пайтгача уларнинг ҳолини сўрамаганимиздан хижолат чекиб.

-Тинч ҳамма. Қишда подага бўри кириб кўп қийқиратди. Отаси шунинг дардида юрибди.

Онам ва бибим узоқ суҳбатлашишди. Мен эсам айвонга чикиб хаёлан Низомжон билан диллашдим. Унга ҳамдард бўлдим.

Эртасига тонгда онам йўлга чиқди. Қуюқ хайрлашдик.

Орадан кунлар ўтдики, йилдек чўзилди. Қуёш ерни илтиб, майсалар унар, ҳовлимизга жон кирарди. Шундай кунларнинг бирида бибим билан катта бозорга йўл олдик. Паранжиларни ўраб, қиш бўйи ҳунаримиз ортидан келган озроқ ақчамизни жамлаб олдик. Бибим менга атаб зарбоф аёллар чопони, матолар, тиллақош ва кавуш олишни мўлжалладилар. Низомга деб дўппи ва этик ҳам ҳарид этиш ниятидамиз. Бозорда аввалгидек тўла оломон эмас. Ҳунаремандлар ва усталар ўз буюмларини кўз-кўз қилганча тинмай «обқолинг» дейишдан бўшашмасди. Ҳар турли чиройли нарсаларга кўзимиз куйганча ўзимиз кўзлаган сарполарни изладик. Бибим билан чопонлар осилган эшиги пастгина дўкончага кирдик. Бибим бир зар чопон устида сотувчи билан савдо қилдилар. Бир пайт:

-Ёв, ёв келди, қочиб қол, Хўқанд аҳли!

-Мусулмонлар, яширин, қалъамизга душман кирди! -дегич ваҳимали сўзлар янграб бибим иккимиз-да чўчиб тушдик. Сотувчи ҳам эшикдан ташқарига мўралади.

-Дўконни ёпажакман, -шоширди у. -Душман бостирган кўринади. Жонингизни асранг!

Бибим билан югуриб ташқарига чиқдик. Чинданда ҳамма ҳар ёққа қочарди. Молини олган олар, олмагани шундоқ ташлаб кетарди. Бибим салла кийган зиёли бир кишини тўхтатди.

-Нима бўлди, иним? Нега эл нотинч?

-Амири Бухоро бизга бостириб кирди! Аскарлар йўлида учраган кишини уриб-суриб от чоптириб юрибди. Қочинглар вақт борида, -у шундай деб яна шошганча йўлида кетаберди.

Биз ҳам уй томон шошдик. Борсакки, дарбозамизни қоққанча турган Низомжонга кўзимиз тушди. Ҳам қувонч, ҳам ҳадик билан унга яқинлашдик. Саломлашиб уйга кирдик. Низомжон ташвишлик эди.

-Яна не бўлди экин? Амири Бухоро қайтиб кетиб эди. У Қўқандни олмагунча қўймайдими, дейман, -бибим уни сўроққа тутди. -Бозор нотинч бирам...

-Шунинг хабарини эшитиб, мен ҳам от чоптириб келдим. Насрулло амир Ўрдани эгаллаганмиш.

-Хон таслим бўлдимми? Нега замон нотинчланди-я?

-Мадалихон енгилди. Насрулло амир шариат қонунларини бузган бандаларни жазоламоқ баҳонасинда келибди.

-Шўрим...

-Гуноҳкорларни қатл қилдириш ҳақда овоза этилди. Оломон яна нотинчланган. Шу сабаб сизларни олиб кетгани келдим. Қишлоғингиз саройга яқин, талофот кўришингиз мумкин, -Низомжон менга боқди. -Анча бўлди кела олмадим.

-Жойлари жаннатда бўлсин, эшитдик, -дедим мен, -бандалик экан...

-Кексалик... ҳаммамизнинг тақдиримиз шу, -дедилар бибим ҳам.

-Отамни мана шу маишатчи хонлар, зулмдор амалдорлару тоғдек солиқлар йиқитди. Онамнинг, опамнинг дарди йиқитди. Рўшнолик кўрмади отам, -Низомжон чуқур ух тортдида, ташқарига чикди. -Момо, тайёрларинг, -деди бизга қарамай, -тоққа кетамиз.

...Мана, неча кундирки, онамникидамиз. Ўғай отамга бу ёқмагани кўриниб турсада, уни рози этишди. Низомжон тез орада тўй қилиб мени олиб кетишини айтиб, отамга ақча берди. Бибимни ҳам бу ерда қолдирмайдиган, мен билан олиб кетадиган бўлдилар. Ён қўшни бўлганимиз учун Ойша опам ҳар куни бизни йўқлайдилар. Ҳаста онасини кўрмоқ учун бибим ҳам тез-тез уларникига кирадилар. Мен эсам уйдан чиқмайман. Онам билан яна зўрдўзилик қилиб вақт ўтказаман. Укаларим ва ўғай отам пода ҳайдаб тоққа чиқиб кетди.

Низомжон Ўрда яқиндаги катта бозордан бери келмайди. Қатл бўлиб эмиш. Мадалихон, унинг волидаси, укаси, маҳрамлари, ҳаттоки норасида болалари ҳам ўлдирилибди. Ҳўқанд аҳли учун неча йиллардан бери гўзал мисралари билан кўнгилга йўл топган Нодираи Давроннинг қатл этилиши катта йўқотиш бўлди. Буни кўрган, эшитган шаҳар аҳли яна оёққа турган. Низомжон энди тахтга Бухоро амирининг қўл остидаги Иброҳим додхоҳ исмли кимса чиққанини айтди. Амир бўлса ўз юртига қайтиб кетибди.

-Яна янги хон... -дедилар бувим куюниб, -тахт учун кураш халқнинг тинкасини курутди-ку... Кошки уларнинг бирортасининг фойдаси тегса экан.

-Ундан кўра ўз хонимиз дуруст эди. Билмадим... буниси элга қайишишига умид йўқ. Барибир душман томоннинг одами. Ҳали кўп жабр тортмасак бўлди эди, -деди Низомжон ҳам.

Мен эса бундаин гап-сўзлар тезроқ тугаб, тинч ва обод элда барчамизнинг саодатли яшашимизни Яратгандан сўраб дуо қилардим.

Зилол булоқ

Кунлар исиб кетди. Ойша опам ва бибим тўй тадоригига тушишган. Низомжон неча бор мен билан танҳо гаплашишга уринди. Аммо уддаси бўлмади: мен деярли онамнинг ёнида ўтирардим. Унинг кўзларидан мен билан суҳбатлашишга муштоклигини сезсамда, мен-да чорасиз эдим.

Бир куни Низомжон бунинг йўлини топди...

-Момо, -дея эшигимизни қоқди у тонгда.

Бибим эшикни очиб Низомжонни қарши олди.

-Ойша опам Зубайдани олиб тоғ этагидаги зилол булоққа бориб келай, дейдилар.

-Зилол булоққами? -гапга қўшилди онам, -яхши бўларди...

-У ерда нима бор экан? -Қизиксиндик бибим иккимиз.

-Бўй етиб тўй бўлиш арафасидаги қизлар бахтини сўраб боради у ерга. Булоқдан сув ичадилар. Авлиёлар қадами теккан зиёратли жой... -дедилар онам, сўнг менга юзландилар, -борақол, қизим. Ойша опанг хўп яхши ўйлабди.

Мен паранжимни ўраб, эшикдан чиқдим.

-Опам қанилар?

-Уйда сени кутаяптилар.

-Йўлингиз беҳатар бўлсин, -онам ва бибим менга оқ йўл тилаб эшикни ёпдилар.

-Ойша опам чиқаверсинлар, мен уйингизга киришга уяламан, -дедим

Низомжонга.

-Опам чиқмайдилар, -деди у мени йўл томон имлаб, -ўзимиз борамиз.

-Вой! Алдадингизми ҳали?

-Алдамадим, булоққа борамиз. Фақат опам эмас, мен билан.

-Билиб қолишсами... тоза уятга қоламиз-ку, Низом ака.

-Опамнинг хабарлари бор, кўндирдим. Ҳеч ким билмайди. Қани, кетдик тезроқ...

Низомжон олдинда борарди, мен эса ортидан. Йўл бўйи сўзлашмай кетдик.

Булоқ сой унча олис эмас экан. Кўп ўтмай етиб бордик.

-Мана, мен айтган зилол булоқ, -Низомжон тош ердан отилиб чиқиб сой томон оқаётган мусаффо сувни кўрсатди. -Шифобахш ва ҳосиятли. Бахт оstonасидагиларга саодат беради...

-Чинданми? -мен булоққа кафтимни тутиб симирдим, -чинданам ширин сув экан.

-Ҳа, айниқса, ёрингни кўлларида ичсанг, янада тотли, -Низомжон менга яқинлашиб кулимсиради.

-Сиз жуда айёрсиз, -дедим, -қўлимдан сув ичаман деб ҳаммани алдадингиз.

-Бундан хурсанд эмасмисан?

Жавоб бермадим.

-Сени кўргим келганди. Юзингни очавер, бу мавсумда зилол булоқ кимсасиз бўлади. Кузга қараб булоқ бир тошадики, одам аримайди.

-Ҳечам кимсасиз эмас... ана, сиз борсиз, -дедим қайсарлигим тутиб.

-Мен кимса эмасман-ку... -ранжиди у. -На сув ичирдинг, на дийдорга тўйдирдинг.

Ўзи базўр эпини қилиб шуни ўйлаб топгандим-а...

Низомжон астойдил ранж қиладиган. Паранжимни олиб, харсангга ташладим.

Кафтимга булоқ сувини тўлдириб унга тутдим.

-Марҳамат, олийҳазрат...

-Ташаккур, -у сувни охиригача сипқорди. -Ростанам тотли...

-Ҳа, таъми ўзгача экан булоқнинг.

-Мен булоқни айтганим йўқ... -Низомжон қўлимдан тутди.

Юрагим дуқури унга эшитилмасин, деб қўлларимни тортиб нарироқ кетдим.

-Энди қайта қолайлик...

-Ойша опамдан тушгача руҳсат теккан. Сен билан суҳбат қуриш учун қанча

сўзларни тахт қилиб қўйган эдим. Энди эсга келмайдир, -Низомжон ҳижолатомуз

харсангга ўтирди. -Сўз бўлмаса кўзлар сўзлашармиди? Агар уларни яширмасанг...

Аста ёримнинг нигоҳларига боқдим. Аммо уят устунлик қилиб, яна олиб қочдим.

-Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,

Икки жаҳон демаки жон бўлмасун.

Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,

Ҳусни нетсун кишикин они йўқ, -соҳирлик билан шеър ўқиди Низомжон.

-Гўзал байтлар. Кимнинг ғазали экан бу?

-Навоий ҳазратларидан.

-Мен ҳам ғазал ўқишга кўп шайдо эдим. Аммо уйимизда бундаин китоблар кам эди.

-Бизникида эса бир талай. Ҳали уларни сенга кўп ўқиб бераман.

-Насиб...

Шу пайт отнинг дупури хаёлларимизни учириб юборди. Иккимиз ҳам овоз

келган тарафга боқдик. Биздан ўн қадамча нарида от устида ўтирган кимсани кўриб хуркиб кетдим. Чунки уни бир кўрганда таниган эдим. Бу тоғ Қозиси, ўша менга уйланмоқчи бўлган қари туллак эди. Шошиб паранжимни ўрадим.

-Ассалому алайкум, -Низомжон ўрнидан туриб, Қозига яқинлашди.

-Ваалайкум... кимсизлар?

-Тоғликлармиз. Зилол булоқ зиёратига келдик.

-Ҳм... -у отдан тушиб булоқда қўлини ювди. Пок сув ифлосланди. Кейин ёнидан сувдон чиқариб унга сув тўлдирди. -Бу киз... подачи Носирнинг қизи эмасми?

-Шундай...

-Тоғдан қочиб кетиб эди, -у менга қахрли нигоҳларини тикди. -Яна қайтибди-да?

Низомжон томоқ қирди.

-У менинг бўлажак завжам.

-Ҳааа... гап буёқда денг. Хуш қолинглар унда, бўталарим. Омон бўлсак яна кўришармиз, -Қози бизни ўтли қараш билан тарк этди.

-Ох, мени таниди! -дедим Низомжон томон отилиб, -энди нима қиламиз?

-Ҳеч. Мен бор эканман, у сенга зиён етказа олмайди.

-Лекин...

-Шариат қонунларини буза олмайди. Никоҳида тўрт хотини бор. Хоннинг қатлидан сўнг амалдорлар ҳам чўчиб қолишган.

-Ишқилиб, тинчлик бўлсин. Энди кетайлик...

-Майли, кетдик.

Йўл бўйи яна жим кетдик. Иккимиз ҳам назаримда бир ўй билан банд эдик.

Қозига йўлиқишимни билганимда бу ерга асло келмаган бўлар эдим. Бахт сўраб бориб, бахтсизликка маҳкум бўлмасак эди...

Тухмат тоши

Ўша воқеадан сўнг уйга тамом қамалиб олдим. Тўйга ҳам ўн кунча фурсат қолди.

Бу орада ўғай отам подани қайтариб олиб келди. Бибим ва онам бўлса бисотларида боридан сарпо тугиш билан банд. Ойша опам ёнимга тез-тез кириб туради. Яхшики, оналари тузалиб қолибди. Низомжон ҳам пичоқсозлик билан шуғулланаётган эмиш.

Бир куни эрта саҳарда шовқиндан уйғониб кетдим. Бибим, онам ва Ойша опам эшигимиз тагида нималардир ҳақда йиғлаб сўзлашар эдилар. Аста туриб, деразадан қарадим. Ойша опамнинг менга кўзи тушиб, югуриб ёнимга кирди. Кучоқлаб олиб йиғлашда давом этди.

-Худо ҳайрингизни берсин, опа, ёмон хабар айтманг, -дедим юрагимни ҳовучлаб, -ҳамманинг жони соғми?

Ойша опам кўзларимга қарамай хиқиллади:

-Низомжоним... унга тухмат қилишди, Зубайда. Сен асло ишона кўрма! Бари Қозининг иши. Нега тинч яшашга беришмайди булар?! Нега тақдиримиз бунчалар шўр бўлмаса?

-Низом акамга нима бўлди? Қози... нима қилибди? Ойша опа, айтинг.

-Айтишга тилим бормайди, -опам шундай деди-да, уйдан чиқиб кетди.

Бибим ёнимга келиб, сочларимни силади.

-Ойшахон хўроз қичқирмай, дод билан кириб келди. Ох, кизим... пешонанг бунча шўр бўлмаса. Мен ҳам ишонмадим бунга. Қози... сенинг келганингни билган, чоғи.

-Ҳа... билган эди. Сизга айтмовдим, биби. Зилол булоқда...

-Айтганингда бўлар эди! Қози қочиб кетганингдан сўнг тоғни роса излаттирган эди. Аламини олмагунча қўймасди, -дедилар онам ҳам.

-Ҳа, шу заҳоти никоҳингизни ўқитиб, бу ерлардан жўнатиб юборган бўлардик, Зубайдагинам. Энди кеч...

Юрагим зириллаб сўрашни истамаган саволимни бердим:

-Низомжонга нима бўлди?..

-Қози оломонни йиғаяпти эмиш. Ўзининг учинчи хотини билан Низомжонни... уйида тутиб олибмиш. Гуноҳи оғир, тошбўронга ҳукм қилибди...

-Йўқ! Ёлғон бу! Низомжон асло ундай қилмайди, -дедим сапчиб ўрнимдан туриб, -мен хозироқ уларни кўришим керак.

-Биз ҳам ишонмадим, болам...

-Унда кетдик, бу тухмат-ку, ҳукм ҳам ноҳақ!

Учаламиз кийиниб, Қозининг уйига ҳаллослаб етиб бордик. Ойша опам ҳам ўша ерда изиллаб турарди. Кўпчилик аҳоли йиғилган. Қози ўртада туриб олганча сўзларди. Ойша опамнинг билагидан ушладим:

-Қози нима дейди?

-Бу иккиси шариатимиз қонунларини янчиб ўтди, гувоҳларим ҳам бор, деб такрорлайди. Тошбўрон қилишга ҳукм этди.

Оломон орасини ёриб ўтиб, ўртада беҳуш ётган Низомжон ва унинг ёнида юзлари момоталоқ бўлиб йиғлаб ётган бир жувонга кўзим тушди.

-Иккиси ҳам Қозининг югурдаклари калтаклашган, -деди Ойша опам, -ҳадемай тошбўрон қилишади... Ох, тирик қолмайди улар!

-Гувоҳлар ким экан?! Наҳот халқ шунга ишонса?

-Тўрт киши билан бирга хотинининг эшигини очишса, Низомжон ўша ерда эмиш... Тўрт кишининг гувоҳлиги жазолаш учун етади! Гувоҳлар орасида... ўғай отангиз ҳам бор эди.

-Наҳот? Отам... уни топишим керак.

Атрофга алангладим. Қозининг ортида турган тўрт киши орасида ростданам отам бор эди.

Бирин кетин гувоҳлар ҳам сўз олди. Навбат отамга келганда онам пичирлади:

-Ярамас золим... тунда нега йўқ бўлиб қолди, десам... Кечир мени, Зубайда. Мен бўлмаганимда, отанг бўлмаганида эди...

-Қози хазратлари рост сўзлайдир. Биринчи бўлиб эшикни мен очдим. У ерда бу икки нобакор... айтишга тилим бормайди. Бировнинг завжасини йўлдан урган бундай кимсаларга ўлим! -дерди отам важоҳат билан.

-Сиз Қозиникида тунда нима қилиб юргандингиз? -Оломон ичида кимдир ўктам овозда сўради.

Отам бир зум каловланди:

-Шу... иш билан боргандим.

-Ярим тунда-я? -Ҳалиги киши яна сўради.

-Ҳа, бир масалага ойдинлик сўраб боргандим. Гап бунда эмас... муҳими, тўрт киши шунга гувоҳ бўлдик.

-Биз Низомжонни сиздан кўра яхши биламиз! -кимса ўртага чиқиб халққа юзланди, -тўғримми? Унга тухмат қилаяпсизлар!

-Тўғри!

-Рост!

-Низомжон ундай одам эмас, -деган овозлар янгради атрофдан.

Бизга ҳам жон қилиб Ойша опам иккимиз оломон фикрини такрорладик:

-Бари тухмат!

-Гувоҳлар ҳам алдаяпти.

-Нима бўлганини сизлардан эмас, беайб айбдорлардан сўраш керак, -деди бояги киши халқни тинчитиб, -буларга ҳам гап беринг. Шулардан эшитайлик...

Қози ижирғаниб унга тикилди. Сўнг югурдакларига буюрди:

-Хушига келтиринг...

Низомжоннинг устига сув сепишди. Силкиб ўзига келтиришди. Жувонга ҳам кимдир сув тутиб тинчлантирди.

Оломоннинг олд сафида туриб Низомжонга боқаман. Шарт бориб юзидаги қон доғларини артгим келади. Аммо бибим қўлимдан маҳкам ушлаб олган.

Низомжон атрофга ҳайрон бўлиб қаради. Сўнг Қозига ва отамга боқди:

-Нима бўляпти? Нега мени урдингизлар?!

-Чунки гуноҳкорсан! Манави бузуқ аёл ҳам ундан кам эмас. Иккинги ҳам ўлимга маҳкумсизлар! -деди Қози буйруқ оҳангда.

-Сира ундай эмас! Мени мана бу киши, -Низомжон отамни кўрсатди. -Қозининг сизда зарур гапи бор экан, деб тунда уйимдан олиб чиқди. Борсам, бир хонага киринг ва кутинг, деди. Қоронғу хонага кирдим, устимдан кулфланди. У ерда бир аёл бор экан... танимадим. Шу пайт эшик очилиб шамдонлар ёруғлигида бир нечта эркак кириб келди. Уёғини... эслолмайман.

-Мен эслатаман, -деди отам, -сени ўша аёл, яъниким Қози ҳазратларининг учинчи завжалари билан ушладик. Сени асло уйингдан зўрлаб олиб келганим йўқ! Ўзинг келгансан!

-Тухмат бу!

Уларнинг баҳси жанжалга айлаётган чоғ онам даврага отилиб чиқди.

-Накадар разиллик, -деди отамнинг ёқасидан тутиб, -нега қизимнинг бахтига чанг соласиз? Нега Худонинг беайб бандасига тухмат қиласиз? Иймонингиз борми ўзи? Мен, мана, мен гувоҳман! -деди онам элга юзланиб. -Тун киргач бу киши уйдан чиқиб кетди. Аввал ҳам қизимни Қозига беришни кўзлаган эди. Мана энди...

Қози онамнинг гапини шарт кесди:

-Сен билмаган нарсангни кўп жаврама, эй, ожиза. Аксинча, қизингни шундай иймонсизга бермаганингга шукур қил. Мен фармонни бердим. Гувоҳлар ҳам етарли.

-Ёлғон! -шунча вақтдан бери гапирмай, фақат йиғлаб ўтирган Қозининг хотини ўрнидан турди, -мендан қутулмоқ истагида шундай этдингиз, ҳожам. Сизга нима гуноҳ қилган эдим... Ўсал ётдим, Худо жонимни сақлаб қолди. Энди ўзингиз мени жонимни олмоқ истайсиз...

-Менинг бундайин хиёнаткор аёлим йўқ, уч талоқсан! -деди Қози унга қаҳр билан қараб. -Билмадим, шу чоғгача нечта ўйнашинг бўлган?

-Ё раб! Сиздан ўзгасига назар қилган бўлсам, шу кўзларим ўйилсин!

-Ўйилади. Халқнинг ўзи жазойингни беради. Қани! -Қози оломонга юзланди.

-Ҳукм ижро этилсин. Гуноҳкорларни тошбўрон қилинг!

Хушимдан айрила ёздим. Онам каби даврага отилиб Қозининг бўғзидан олгим, отамнинг юзига туфлагим келди! Тошбўрон қилинса улар омон қолмайди-ку!

Аммо... оломон қилт этмади. Гўё ҳеч ким Қозини эшитмагандек тек қотди. Қози буйруқни яна такрорлади. Атроф сув қуйгандек жим эди.

-Унда ўзим бошлайман, -деди Қози қўлига катта тош олиб. Унга ёнидаги югурдаклари ва гувоҳлар ҳам қўшилди. Тош ота бошлаган эдилар ҳамки, омма ёпирилиб кириб иккисини паналашди. Биз аёллар ҳам уларга қўшилдик. Талатўп бўлиб кетди. Одамларни ёриб ўтиб, Низомжон томон талпиндим. Ҳолсизликдан оёқда туролмаётган бўлсада, мени кўриб унинг шашти кўтарилди.

-Сизга ишонаман, -дедим пичирлаб.

-Биламан... Оломон ичида майиб бўлма, четга чиқ, -деди у мени ўзидан итариб.

Онам қўлимдан тортди. Биз аёллар йиғилган жойга ўтдик. Эркаклар ва Қозининг югурдаклари ўртасида уруш бўлиб кетди. Қози бўлса, ўрнидан турдию, уйига кириб кетди. У халқ ўзини бир бало қилиб қўйишидан чўчигани аниқ эди.

Кўп ўтмай одамлар тинчиди. Қозининг хизматкорлари ҳам чекиниб, бизга ён берди. Бечора аёлни хотинлар ўрнидан турғазиб ўз ёнларига олдилар. Бири сув тутди, бири этаги билан елпиди.

-Қозидан қутулганинг яхши бўлди, энди меникида яшайсан, -деди улар орасидаги бир аёл. -Синглимни хўрлашларига бошқа чидай олмайман.

-Опажон... -аёл йиғлаб юборди. -Қасам ичаманки, Яратганнинг олдида покман...

-Буни биламиз. Ҳамма билади, жоним синглим...

Уларнинг опа-сингил эканини пайқадим. Икки жигарбандлар бир -бирига суянганча биздан ажралиб чиқиб йўл бўйлаб кетишди. Мен эса Низомжонни қидирдим. Уни ҳам эркаклар ўртага олиб саволга тутишарди, чоғи. Биринчи бўлиб Қозига қарши чиққан ҳалиги ўктам овозли кимса ҳайқирди:

-Низомжоннинг ўзини ҳам, оиласини ҳам ҳамма яхши билади, хурмат этади.

Мен қишлоқ аҳли номидан бу йигитни айбсиз деб эълон қилдим. Қозининг ноҳақ айбловлари бизга ўтмайди. Қани, Низомбой, ўрнингдан тур! Ўз ишингни қилабер. Бошқалар ҳам ўз ишига отлансин.

Шу билан барча тарқади. Ойша опам Низомжоннинг қўлини елкасига олди.

Бибим эса унинг тупроқ теккан кийимларини қоқди.

-Уйга кетдик, -Ойша опам бизга қаради,- бизникига юраверинглар. Ўша ерда бафуржа гаплашамиз.

-Сизлар боринглар, -онам бибим ва менга имлади, -мен шу ерда кутаман.

Отангнинг чиқишини...

-Куёв тушмагур... -бибим онамга ачиниб боқди, -сенга зиён бермасмикин?

-Ҳавотир олманг. Кетаберинглар, мен уйга кейин ўтаман. Аввал у киши билан гаплашиб олишим зарур...

-Майли, ўзингни асра.

-Эҳтиёт бўлинг, онажон.

Низомжоннинг уйида

Низомжонларнинг уйига етиб келдик. Улар ичкарилашди. Мен эсам киришга иккиланиб турардим.

-Сен ҳам кирақол, қизим, -деди бизни кутиб олган Низомжоннинг онаси, -энди ўз қизимдексан. Тортинма...

Салом бериб, остонадан кириб бордим. Бу хонадонга келинлик зеблари билан кўнглимда ширин орзулар ила киришни истаган эдим. Бу пешонада биз билмаган яна қандоқ ёзуғлар бор экан...

-Ойша шошиб кетди, -деди Низомжоннинг онаси бизни якандоз тўшалган катта

хонага бошларкан. -Қози сизни нега чақиртирган экан, ўғлим? Уст- бошингиз бир аҳволда...

Билишимча, оналарининг айбловдан хабари йўқ эди. Юраги ҳаста деб айтишмагандир балки.

-Бир масалада озроқ тортишдик. Ўтиб кетди, бари жойида, -жавоб берди ўғиллари.

-Ҳақиқат қарор топган бўлса, шукур.

Ойша опам чой дамлаш учун ўрнидан турди. Мен ҳам шундан фойдаланиб, ортларидан чиқдим. Опам човгумга ўт қалади.

-Ҳайрият, -дедим опамнинг елкасидан маҳкам қучиб. -Бари ортда қолди...

-Илойим, шундай бўлсин. Қози буни шундай қўймаймими, деб кўрқаман. Обрўйи тўкилди...

-Ҳаммасига мен айбдорман. Ўшанда... зилол булоқда у бизни кўриб қолган эди. Мени деб... Низомжонга зарар етказмоқ истади.

-Сенинг айбинг йўқ, сингилжоним. Нафси бузук Қози шу баҳона хотинидан халос бўлди. Низомжоннинг унга душманлик жойи йўқ эди.

-Мени деб... опа, сизга айтмаган эдим. Қози ўтган йилда менга уйланмоқ учун хотинининг ўлишини пойлади. Мен эса... қочиб кетдим. Ўша тунда Низомжон билан тўқнашган эдим.

-Шундайми? Оҳ... демак, сабаб буёқда эканда...

-Низомжондан кутулиб... менга етишмоқчи бўлган, ярамас чол.

-Куйинма. Низомжон омон-ку...

Чой қайнади. Опам катта чойнакка қуруқ чой солиб, дамлади. Шу пайт хонадан Низомжон чиқиб биз томон келди.

-Мен чойни куттирмай, -Ойша опам бизни холи қолдириб ичкарилади.

Бир муддат не деяримизни билмай жим қолдик. Охири ўзим сўз очдим:

-Қози бизни энди тинч қўярмикин?

-Мен ҳам шунинг ўйидаман, -кўзимга қарамай сўзлади у, -эл ичида номимни қора қилди...

-Ҳеч ким унга ишонмади-ку, Низом ака...

-Лекин шубҳа қолди. Балки... сенда ҳам сал бўлсада гумон уйғотгандир. Ўша пайт... шуни хабар қилишганида.

-Асло! Бундай сўзлар айтиб дилимни ранжитманг.

-Кечир... Отанг келиб, зудлик билан Қози чақиртирганини айтганида кўнглимга бундай тузоқлар келмаган эди. У Зубайда ҳақда гаплашиш ниятидалигини айтибди.

Мен кўрсатилган хонага кирдим. У ерда... бир аёл ухлаб ётган эди. Ҳеч нимани тушунмай турган эдимки, эшик очилиб... юзимга мушт тушди.

-Ҳа, отам аблаҳлик қилди.

-Унда ҳам айб йўқ. Қози буюрган буни...

-Энди нима қилдик?

-Зубайда, ризқимиз бу ерларда эмас кўринади. Мен боришимиз бўлган жойни ўйлаб кўраман.

-Майли, сиз қаерда бўлсангиз биз ҳам...

-Отанг... уйга қайтса яна бир нимани бошламасми, деб кўрқаман.

-Ростанам... мени мажбурлаб уларга бериб юборсачи?

-Ҳар эҳтимолга қарши бугун бибингиз билан шу ерда қолинглар. Онангиз эртага

вазиятдан бохабар этар.

-Қайдам. Катталар нима деса шу. Сиз пича дам олинг, холингиз йўқ.

-Майли, сен ҳам онамларнинг олдига қирақол, унда.

-Хўп.

Низомжон кичкина уйга кириб кетди. Мен катта хонага киришга иймандим.

Ўчоқ ёнида ўтириб ҳовлини кузатдим. Батартиб, озода, райҳон ва мевали дарахтлар экилган. Ҳовли адоғида қора томли бостирма. У ерда пичоқ ясашса керак, атрофида темир-терсаклар уялиб турибди. Катта хона ёнида яна бир кичик уйча. Ойша опам ва оналариники бўлса керак. Низомжон кирган хона эса дарбоза ёнгинасида. Ўртада болишлар қўйилган бир сўри.

Кузатув узоққа чўзилмади. Ойша опам уйдан чиқиб, мени имлади.

-Кириг, бир пиёла чой ичинг. Очикқандирсиз, мен таомга уннайман.

-Сув ичиб олдим. Таомни бирга тайёрлаймиз, опа.

-Бугун бизникида меҳмонсизлар. Тонггача опа-сингил бир суҳбатлашиб чиқамиз.

Ойша опам жуда дилкаш аёл эди. Бошига тушган шунча ташвишларга қарамай, ҳамманинг кўнглини кўтаришга интиларди. Бирор марта ҳаётдан нолиганини кўрмадим. Ахир йўқотганлари оз эмас: онаси, суйган ёри, отаси... Биргина Низомжонидан ҳам бугун айрилай деди. Шуларни ўйлаб опамга меҳрим эриди.

-Сизни жуда яхши кўраманда, опажон.

-Шундайми? -у айёрона кулди, -Низомдан ҳам ортиқми?

-Ортиқ!

Кулиша-кулиша овқатни ҳам тайёрладик. Бугунги бўлган дилхираликни унутиб, барчамиз бир дастурхонда ажиб бир кайфият билан таомландик. Эрта уйқуга ётдик. Барча аёлларга катта хонага жой тўшалди.

Тонг отиб, сўрида чой ичилгач бибим сўз очди:

-Онангдан хабар олай, қизим. Тинчмикин?

-Мен ҳам уларни ўйлаб юрагим хижил, биби.

-Яхшиси, мен чиқаман, -деди Низомжон.

-Йўқ, болам, ўртада яна уруш чиқмасин. Ўзимиз кирамиз.

Бибим дастурхонга дуо қилдилар. Бизни эшиккача кузатиб қўйдилар.

-Сизлар кираверинглар, мен эшик олдида тураман. Бир гап бўлса, хабар қилинг, -деди Низомжон.

Дарбозамизни онам очдилар.

-Кириглар бемалол. Уйда ҳеч ким йўқ, ўғилларим ҳам пода ҳайдаб кетди.

-Куёв қаерда? -сўради бибим уйга киргач.

-Билолмадим. Отасини Қозининг уйи ёнида узоқ пойладим. Кўп қолиб кетдилар.

Нарироқдаги дарахт тагида ўтириб кутдим. Бир пайт катта дарбоза очилиб Қози бошчилигидаги тўрт-беш киши отларга миниб қаергадир кетишди. Мен эсам уйга қайтдим. Отаси ҳали келмади.

-Қаерга кетишди экан? -ўйланди бибим.

-Қайдам. Келсалар ҳам, келмасалар ҳам... бу уйдан кетмокни қарор қилдим.

Шунча йил сабр этдим. Аммо бунисини кечира олмайман. Онажон, қишлоқдаги уйга қайтсангиз агар, сиз билан кетар эдим.

-Тўғри ўйлабсан, -бибим қароғини артди. -Сени мажбурлаб шу ерларга узатган эдим. Хато қилибман. Айб мендан ўтди. Келиним эмас, қизимсан. Қишлоқдаги уй сеники. Майли, сен билан кетаман. Болаларингни ҳам уйи ўша ер.

-Тугунимни кечаси билан тайёрлаб қўйдим. Ўғилларимга ҳам айтдим... Каттаси отаси билан қоладиган, кичиги мен билан кетадиган бўлди.

-Тўйни ўтказиб олсак, қайтамиз, унда, болам.

-Мени ёлғиз ташлаб кетасизларми? -дедим мен.

-Бошқа илож қанча?

-Мен ҳам ўйлаб бошқа чора тополмадим. Қизим, қаерда бўлсанг ҳам бахтли-тахтли бўл. Омон бўлсак, кўришиб турарбиз.

-Низомжон ҳам балки тоғдан кетармиз, деганди. Эҳтимол, биз ҳам қишлоқдан макон топармиз, -дедим кечаги суҳбат эсимга тушиб.

-Унда янада яхши. Бу Қозидан нарироқ бўлганингиз дуруст.

Сулҳ

Шу куни ўгай отамни юракларимиз ғижимланиб кутдик. Бу орада Низомжон хабар олди. Тушга яқин кўчадан келаётган баланд-баланд овозларни эшитиб ташқарига мўраладик. Бир тўда миршаб бошчилигидаги навкарлар тор кўчани эгаллаб турарди. Улар орасида Қози ва отамни кўрдиму, кўнглим нотинчланди. Улар бу ерга бекорга келмагани аниқ эди.

Бир пайт миршаббоши Низомларнинг эшигини қокди.

-Эшикни оч!

Дарбозани Низомжон очди. Ортидан Ойша опам ва оналари ҳам кўринди. Биз ҳам ташқарига чиқдик. Шовқиндан уйларида мўралаган кўни-қўшни ҳам ҳайрон бўлганча навкарларни кузатишарди.

-Тинчликми?-деди Низомжон уларга қараб.

Навкарлар уни қуршаб қўлларини бойлашди.

-Қозикалон ҳузирига борасан, -деди миршаббоши, -устингдан арзнома тушган.

-Нима бўляпти, биби? -дедим ох тортиб, -нега уни яна айблашади?

-Ҳаммаси тушунарли, -деди бибим қўлимдан тутиб, -Қозикалонга арз қилибдилар. Энди маҳкамага боришга тўғри келади.

Низомжон улар билан индамай кетди.

-Ортимдан борманг, ўзим қайтаман, -деди баланд овозда.

Ойша опам ва оналарининг ёнига бордик. Баримиз кўзда ёш билан ортларидан термулиб қолдик.

Тун кирди. Низомжондан ҳам, отамдан ҳам дарак йўқ. Нима бўлди экан, деган савол ҳаммамизнинг ич-этимизни ейди. Ахийри кўзимиз илиниб ухлаб қолдик. Эшикни қийиллаб очилишидан уйғониб кетдим. Бибим ва онам уйқуда эдилар. Секин деразадан қарадим: отам қайтибди...

Қайнайди куч билан шарт ўрнимдан турдимда, ташқарига чиқдим:

-Низомжонга нима бўлди, ота?

Отам бошини чайқади:

-У нобакор зиндонда ташланди. Қилган қилшимига яраша жазосини олди.

-Бу ёлғонлигини сизда, менда яхши биламиз.

-Ёлғон бўлса Худо урсин. Тўрт одам гувоҳлиги айблов учун етади. Бир умр зиндонда чирийди, энди.

Кўзимда ёш билан отамнинг оёғига чўқдим:

-Маҳкама Қозикалони наҳот шу ёлғонларга ишонди? Тухматлигини айтинг, уни қутқазинг...

-Буни Қозига айт. Низомни озод этиш унинг қўлидан келади, менинг эмас...

-отам атрофга аланглаб пичирлади. -Қозига розилик берсанг, ўша куниёқ Низом озод этилади.

Ўрнимдан туриб кетдим. Қаршимда турган энг ёзув инсонга нафрат билан боқдим:

-Демак, мақсадларингиз шу бўлган эканда?

-Қози истаган нарсасига эришиб келган. Сен унинг обрўсини тўқдинг. Йўқ десанг бошқаси топилади. Аммо Низомнинг ўлиб кетгани қолади, холос. Барибир энди у билан бирга бўла олмайсизлар. Тонггача ўйла... -отам шундай деб супага сўзилди.

-Оғир кун ўтди, мен ором оламан.

Аста ичкари хонага кирдим. Жойимга чўзилдим. Юрагим аллақандай бўм-бўш бўлиб қолганди. Қароримни ҳам ўйлаб кўришга ҳожат йўқ. Низомжон нима бўлса ҳам омон бўлиши шарт. У опасига, онасига керак... умрбод зиндонда ётишга маҳкум эмас.

Тонг ёриша бошлади. Онам ва бибим ҳам ҳадемай уйғонади. Унгача мен уйдан чиқиб кетишим лозим. Паранжимни ўрадим, ташқарига чиқдим. Отам тошдек ухлаб ётибди. Дарбозани секин очиб, йўлга тушдим. Қозининг уйи узоқ эмас, шундоқ йўл адоғида...

Манзилга етиб келгач, катта ёғоч эшикни қаттиқ қокдим. Ночоргина кийинган юпун хизматчи очди.

-Мен Қози ҳазратни кўрмоқчи эдим. Зубайда денг...

Хизматчи индамай мени ичкарига бошлади. Нақшинкор айвонга ўтирғизди.

-Ҳазратни ҳозир чақираман.

Кўп кутмадим. Узун ёзги чопон кийган Қози секин қадам босиб ёнимда пайдо бўлди. Паранжим остидан унинг хунук тиржайишини кўриб турардим.

-Хуш келдингиз, бизнинг хонадонни не арз билан йўқлабсиз?

-Арз қилмоқ учун Яратгандан ўзга паноҳимиз йўқ. Сизга ўхшаган одамлар эса фақат ноҳақ ҳукм чиқаришга ярайди.

-Подшоҳимиз ишониб топширган лавозимимизни ундай айбситманг.

Гуноҳқорларни жазолаш менинг бурчим. Низомжон ҳам шаккоклик қилди. Ўзганинг маҳрамига кўз олайтириб...

-Ўзганинг маҳрамига кўз олайтирган сиз бўласиз асли!

Қози томоқ кириб бир муддат жим қолди.

-Хулласи гап, Қозикалон арзимни тинглаб, ҳақиқатни қарор топтирди. Менинг талоқ қўйган завжамга арзим йўқ. У заифа, қаршилиқ қила олмагандур. Низом бўлса ўз оёғи билан келди. Зиндон захрини бир умр тотса ҳам кам унга. Тошбўрон қилиш ҳукми ҳам бор эди. Аммо мен раҳм қилишларини сўрадим: зиндонда яшайверсин.

-Уни озод этишлари қўлингиздан келадими? -унинг бундай бетайин сўзларини эшитишни истамай мақсадга кўчдим.

-Албатта. Қозикалон ҳазратлари кечиримли...

-Ундай бўлса отам айтган шартга розиман.

-Отангиз билан гаплашдингизми? -мийиғида кулди Қози. -Бу шарт эмас, таклиф... шунчаки менинг никоҳимда бахтиёр яшайсиз. Шу бечора ҳам тирик қоларди...

-Хўп. Бугуноқ озод этинг.

-Никоҳимга кирган кунингиз у озод.

-Алдайсиз. Аввал озодликда кўришим керак.

-Бунинг иложи йўқ. Шу уйга завжам бўлиб кирасиз. Сўнгра истагингиз бажо бўлади. Ишонмасангиз, никоҳдан сўнг бунга гувоҳ бўласиз.

-Никоҳдан аввал бунга амин бўлишим шарт.

-Бўпти, -Қози таслим бўлди. -Биз рози. Ундай бўлса... уч кундан сўнг никоҳ ўқитамиз.

Суҳбат тугади. Мен ўрнимдан туриб индамай чиқиб кетдим.

Уйда бибим ва онам ҳавотир билан кутиб ўтиришган эди. Отам уйда кўринмади.

-Қаерларда эдинг? Ойша опангларникидами десам йўқсан. Маҳкамага бордингми ёки?

-Ҳа... боргандим.

-Нега ёлғиз кетдинг, қайсар қиз? Ўзини кўрдингми?

-Кўрдим, яқинда чиқар экан.

-Чинданми?

-Ҳа... уч кундан сўнг.

-Ҳайрият! -дейишди улар бир-бирига қараб.

Бибим хабарни суюнчилаш учун Ойша опамникига ўтдилар. Мен бўлса ичкарига хонага кирдим, йиғлаб юбордим. Беғубор орзуларим билан хайрлашиш... ҳазар қилган янги оламга қадам қўйиш... буни ҳазм қилишим жудаям мушкул эди. Гўё ҳаммаси тушда содир бўлаётганга ўхшайди. Нималар қилаяпман ўзи...

Уч кун уч нафасда ўтиб кетди. Уйимизга отам бошчилигида Қози, бир нечта эркак ва аёллар кириб келди. Бибим ва онам уларни кўрқув билан қаршилади. Аёллар ичкари хонага, эркаklar супадан жой олишди.

-Бу ерда уларга нима бор? -сўради онам отамдан. -Қайси юз билан келибди?

-Совчиликка, -отам тиржайди.

-Нима?! -бибим ва онам бир менга, бир отамга қарашди.

Уларга айтиш фурсати етганини фаҳмлаб бибимга яқинлашдим:

-Мен розилик бердим, биби. Ўйлаб шу қарорга келдим.

-Эсинг жойидами? -онам мени силкиди, -мазанг йўққа ўхшайди.

-Болам, -бибим менга қараб эзилди, -улар сенга тазйиқ қилишдими...

-Йўқ. Ўз истагим билан. Низомжон билан косам оқармайди... бир умр қочиб яшайманми? Мен бундай ҳаётдан тўйдим. Зорикмай, тинчгина яшашни истайман...

Онам ва бибим мени биринчи марта кўраётгандек анграйиб қолишди.

-Низомжон... нима дейди бунга? Ахир...

-Унга ўзингиз тушунтиринглар. Бугун қайтади... Кетсак кета қолайлик, -дедим отамга қараб.

-Мулла никоҳни шу ерда ўқийди, -деди отам. -Унгача... сенда гапим бор.

Хонадан чиқиб отамнинг изидан юрдим. Отам мени эшик ёнига олиб келди ва эшикни қиялатди.

-Қара!

Аста мўраладим. Ташқарида миршаббоши Низом билан турарди. Отам эшикдан чиқиб миршабга айтди.

-Уни озод этаверинг. Қози буюрдилар...

Низом отамга ҳайрон бўлиб қаради. Қўллари бўшалгач, эшигимизга термулди.

Мен эса панада туриб, унинг илҳақ нигоҳларига сўнгги бор тўйиб олишга интилардим.

Отам эшикни қарс этиб ёпди. Низомжон бир пас турдида, ўз уйларига кириб кетди.

Мен бибимнинг ёнларига бориб, кулоқларига шипшидим:

-Низомжон қайтди. Бу ҳақда кетганимиздан сўнг билсин. Унгача... индаманг.

-Нималар бўлаяпти, қизим? Мендан нимани яширяпсан? Шу баттолга тегаман, деб ўз тилларинг билан айтдингми?

-Ҳа, биби. Бўлди, сўраманг. Аҳдим қатъий.

Шундай деб отамнинг имоси билан аёллар ўтирган хонага кирдим. Супа деразанинг ёнида жойлашган эди. Мулла деразага парда туттирди. Қози ташқарида, мен эсам ичкарида ўтирдик. Мулла никоҳнинг зарурати ва савоби ҳақда маъруза қилди. Сўнгра Қозидан розилик сўради.

-Қабул қиламан, -деди у тўнг товуш билан.

-Абдулло қизи Зубайда, сиз Али ўғли Раҳмоннинг никоҳига киришга розимисиз?

Исмини биринчи марта эшитишим. Асло жисмига мос эмас. Мулла саволни яна такрорлади. Рўмолим остидан бибим ва онамни излайман. Улар йўқ... ёнимда меҳмон аёлларнинг бири:

-Рози бўл, қизим...

Мулла учинчи гал такрорлади.

“Норозиман!” дедим ичимда. Тилим эса қимирлай олмайди. Кўз ёшларим сел бўлди.

-Сукут аломати ризо! -деди бир пайт отам муллага қараб. -Никоҳни бошлайверинг...

-Сукут розилик белгиси эмас!

Низомжоннинг овозини эшитиб бошимни илкис кўтардим. Рўмолимни тушириб, дераза пардасини торттимда, ташқарига қарадим. Эшикдан бибим ва онам билан кириб келаётган Низомжон супага яқинлашди.

Қози отамга имо қилди.

-Низом, бировнинг тўйини бузманг. Бунинг сизга асло даҳли йўқ, -деди отам.

-Никоҳ учун икки томоннинг розилиги бўлмаса, ҳалол эмас, -деди Низомжон муллага қараб. -Биз келиннинг розилигини эшитмадик...

-Тўғри... -мужмалланди мулла. -Розимисиз, Абдулло қизи Зубайдахон Қози ҳазратларининг маҳрами бўлишликка?

Дераза ортидан Низомжонга тикилиб қолдим. У ҳам менга бир бор карадида, кўнжидан қиличини чиқарди:

-Рози эмас! -шундай деб Қозига яқинлашди. Қўрқиб кетган Қози отамнинг ортига беркинди:

-Йўқот, бу телбани! -деди бақириб.

-Менинг куролим йўқ, -отам атрофга аланглади.

Лекин Низомжон уларга тегмади. Супани бир хатлаб ўтиб деразани очди.

Қўлимдан торттида, эшик сари бошлади.

-Тўхтатинглар! -ҳайриқди отам ёнидаги эркаklarга қаратиб.

Биз томон яқинлашган икки эркакли эшигимиз ёнида турган бир тўда йигитлар ушлаб қолди. Дарбозага бойланган тулпорга энди кўзим тушди.

-Кетдик! -деди Низомжон мени отга мингаштириб. Сўнгра ўзи ҳам чикди.

Нарирокда менга қўл силкиётган бибим, онам ва Ойша опамга кўзим тушди. Нима бўлаётганини энди тушундим. Биз қочиб кетаётган эдик.

От чоптириб кетдик.

Орзулар макони

Тоғ ортда қолиб, қишлоқ сари кетардик. Низомжон жим... бир сўз демайди. Ўрда ҳам ортда қолди. Бир қишлоққа келгач, тўхтадик. Тун кирган. Атрофда ҳеч кимса кўринмайди. Низомжон билан отдан тушдик, у наридаги дарахтга тулпорни бойлади. Ўзи эса менга орқа ўгириб ўтириб олди.

-Қаерга кетаяпмиз? -дедим охири юрак ютиб. Унинг авзойидан мендан ранжиётгани сезилиб турарди.

-Қозига розилик беришга шошмаганингда ўйлаб қўярдим! Ана энди... -у ҳафсаласизлик билан ердаги ўтларни ғижимлади.

-Зиндонда ўйлармидингиз? -дедим мен ҳам аччиқланиб.

-Зиндонга тушишимни кутиб юрган экансанда?

-Ҳа, кутгандим! -дедим тескари қараб.

-Зубайда... ҳатто мен ўлганимда ҳам унга рози бўлмаслигинг керак эди.

Биламан... мени ўша ердан омон чиқсин учун қилдинг барини. Лекин бу тўғри эмас. Агар бибинг ёнимга кириб огоҳ этмаганида... нима бўларди? Зиндондан чиқиб сени Қозининг маҳрами эканингни билиш авзалмиди ё ўша ерда мени кутаётганинг ёди билан яшашми... Эҳ! Яхшики, онанг қишлоқ йигитларини ёрдамга чақирди. Йўқса, уларнинг даргоҳидан қутулиб чиқиб бўлмасди. Йигитлар менга бир от бериб, уларнинг отларини кўздан нари қилишди. Сал қолганда...

-Низом ака... келмайсиз, деб жуда қўрққандим, -у томон ўгирилиб, йиғлаб юбордим.

-Йиғлама. Бари ортда қолди.

У ёнимга келиб, мени бағрига босди. Илк марта... Гўё вақт ўз ишидан тўхтагандек тек қотди. Низомжоннинг юрак уришини тинглардим. Шошқин ва айни пайтда сокин ҳам...

-Тонгда янги бошпанамизга борамиз. Энди дам ол, -Низомжон от устидан ёпинчиқ олиб ерга тўшади. -Мен уйғоқ бўламан. Ухлайвер...

Кўзимда ёш билан ухлаб қолдим. Тонг ёриша бошлагач уйғондим. Низомжон ҳам отига суянганча ухлаб қолганди. Секин туртдим.

-Низом ака, турақолинг. Ҳадемай одамлар ҳам кўчага чиқади.

У илдам ўрнидан турди. Ариқда ювиниб, хуржундаги егуликдан тотиндик. Сўнг паранжимни ўрадим. Отни етаклаб пиёда кетдик.

-Саройда не гаплар экин? Тоғда бўлганимиз учун қўзғалонлардан ҳам нари бўлдик.

-Ҳа, Иброхим додхоҳни тахтдан туширишди. Солиқлар қийматини ошириб юбориб халқнинг ғазабини кўзғади. Шералихон ўтирибмиш...

-Хонлар алмашуви зиён бўлса борки, халққа фойдаси йўқ.

-Ишқилиб, Бухоро амири бундан мамнун бўлмаслиги аниқ. Тайинлаган хони ўрнини бошқаси эгаллади.

-Бибим ва онам тинч бўлса бўлди. Улар қишлоққа қайтишса керак.

-Ҳа, қайтишади. Опам ва онамнинг ёлғиз қолгани яхши бўлмади. Ҳозир эса... қишлоқдош оғам берган бир манзилга етиб олсак бўлди.

-Қайси оғангиз?

-Тошбўрон вақти Қозига қарши чиққан забардаст киши эсингдами?

-Ҳа, ҳа. Ўткам товушли бир одам эди.

-Юсуф исми. Асли тоғда улғайган. Кейин саройга келиб, Мадалихоннинг қўшини сафида хизмат қилди. Қатлдан сўнг тоғдан макон топди. Ўрда яқинида уй-жойи бор

эди. Афсуски, аёлини ва болаларини Насрулло амирнинг аскарлари ўлдирди.

-Қанчалар аянчли...

-Сизлар бораверинглар, мен кейин онангиз ва опангизни ҳам элтаман, деб сўз берди кеча.

-Жуда соз бўларди. Яхши инсон экан. Ойша опамни соғиниб қолдим.

-Кўч-кўронлари билан аравада эрта-индин келиб қолишар...

Сўзлаша-сўзлаша айтилган жойга етиб келибмиз. Гавжум бир маскан экан.

Низомжон катта табақали эшик ёнида тўхтади.

-Қудуқ ёнидаги малларанг ёғоч дарбоза... шу бўлса керак.

Низомжон ёнидан катта калит чиқариб, кулфни очди.

-Биз томонларда ҳеч ким эшикка кулф осмасди. Бу ерда осишарканда? -дедим хайрон бўлиб.

-Шаҳар аҳли эҳтиёткор.

Бисмилло деб кириб бордик. Ички ва ташқи ҳовлига ажратилган тартибли уй. Хоналари бисёргина, ҳовли адоғида молхона, томли бостирма ҳам бор. Экинзориди турли дарахтлар яшнаб турибди.

-Бир мевахўрлик қилмаймизми? -деди Низомжон пишиб ётган олмаларга имо қилиб. Сўнг бир дарахтга осилиб чиқди.

-Ол, -деди қип-қизил бир олмани узатиб, -ўзингга ўхшаган чиройлисидан.

-Раҳмат. Ширин экан... -дедим ундан тотиб.

Ҳовли ўртасидаги катта сўрига ўтирдик. Энди ўзимни ноқулай ҳис этардим. Йўлда-ку билинмас эди. Аммо... Низомжон билан ҳали бир -биримизга номахрам эдик. Ўйларимни у сезди.

-Онам ва опам келиши билан... никоҳ ўқитамиз, ош берамиз. Бибингларниям қишлоғидан айтиб келаман. Қишлоқ аҳлига билдирамиз, албатта.

Бошимни эгдим.

-Энди мен қишлоқни кўздан кечирай. Ун, ёғ, гуруч келтириб сенга бир таом тайёрлатайчи...

-Майли, яхши боринг.

Низомжон кетгач, мен ҳам ишга киришдим. Хоналарни тозалаб, ҳовлига сув сепдим. Низомжон қайтгунча ҳаммаёқни тартибга келтирдим. Ўчоқ ёнига бориб қозон ва идишларни ҳам ювдим. Таом тайёрлашга ҳозирлаб қўйдим.

-Бу уйга саришта фаришта кирган кўринади, -деди Низомжон қайтгач, -энди қўли ширин фариштани ҳам чақирсак соз бўларди.

-Фаришталарни ғазал ўқиб чақириш мумкин!

-Шундайми? Унда сиз ишга киришаверинг, бегойим. Мен ёнингизда истаган ғазалингизни куйлаб тураман. Ҳозир... -у шундай деб катта хонада кўрганим- китоблар тахланган тоқчадан бир китобни олиб чиқди. -Бошладик бўлмаса!

Сабзи арча бошладим. Низомжон бўлса гўзал ғазаллар ўқирди.

Бу ҳолат менга жудаям таниш эди. Балки бахтимнинг бу суратини тушларимда кўргандирман. Мен таом тайёрласаму, Низом акам ёнимда шеърлар ўқиб турса, дегич орзуларга кўп берилардим. Наҳот, улар амалга ошди? Низомжонни учратганимга ҳам бир йилдан ошибди. Шу вақт ичида не синовлар бошга тушмади? Алал оқибат... шу билан якунлансайди. Бошқа азобларни бошдан кечиришга сира мадад қолмади.

-Нималарни ўйлайсан? -сўради Низомжон ўқишдан тўхтаб.

-Сизни тинглаб... учрашган кунимизни хотирладим.

-Ҳа... эсимда. Тун, сой бўйи, қочоқ бир қиз.
-Яхшиямки, сизни учратдим, Низом ака. Йўқса, тақдирнинг кутилмаган синовлари ичида орзуларим нобуд бўлар эди. Сиз... орзуларимга қанот бўлдингиз.
-Сен ҳам, Зубайда. Мен... гўзал сўзлар билан ишқимни изҳор этолмасамда, билгинки, менга жуда кераксан.
Таомдан сўнг ой ёруғида суҳбат куриб ўтирдик. Йўл чарчатган эди, кўзларим юмилаверди.
-Энди дам олгин, -деди Низомжон ҳолатимни пайқаб. -Мана бу хонага кирабер. Мен эса сўрида ухлайман.
-Майли, яхши ором олинг.
Жуда чарчаган бўлсамда, негадир ухлай олмадим. Кўзим илинди дегунча Қози шу уйга бостириб кириб, Низомни олиб кетарди. Мен эса қўл- оёғимни қимирлатолмай, жойимда ўтираверардим. Ярим тунда шу тушдан сапчиб туриб кетдим. Эшикни очиб, сўрида Низомжоннинг ухлаб ётганига гувоҳ бўлиб кўнглим тинчиди. Тер босган пешонамни артиб яна ўрнимга чўзилдим. Тонг отиши жуда чўзилди...

Тўй

Кўзимни очганимда тонг аллақачон ёришган экан. Шоша-пиша ташқарига чиқдим. Низомжон жойида йўқ. Юрагим хижилланиб тезгина ювиниб тарандимда, хоналарни бирма бир қарадим. Дарбоза ёнидаги катта меҳмонхона эшиги ёнида бир неча оёқ кийим турганига кўзим тушди. Низомжонники ҳам бор улар орасида. Секин ичкарига мўраладим. Тўрида ўтирган Низомжон, оналари ва Ойша опамни кўриб, қувониб кетдим.
-Кел, Зубайда! -дейишди улар ҳам юзда қувонч билан.
Кириб салом бердим. Улар мени бағрига босиб кўришишди. Мен эса уялгандан ўзимни қаерга қўйишни билмасдим.
-Тортинма, қизим. Биз ҳам эндигина келгандик.
-Тунда йўлга чиқдик, -давом эттирди Ойша опам. -Бизни Юсуф ака бошлаб келдилар.
-Ҳозиргина оғамни кузатдим, -деди Низомжон ҳам. -Яна келар экан...
-Келаберсинлар... Энди Юсуфжон тоғни макон қилган. Шу уй сизларники, деб кетди барака топкур, -деди Низомжоннинг оналари.
-Келишига бошқа сабаб бор, -деди Низомжон маъноли қараб.
Ойша опам негадир ўйғайсизланди. Сўнг:
-Мен ҳовлини бир кўздан кечирай, -деб чиқиб кетди. Мен ҳам ортларидан бораётгандим:
-Сен ўтирабер, Зубайда, -деди Низомжон. -Маслаҳатли гап бор.
-Тинчликми? -оналари саволомуз боқди.
-Юсуф оға опамга совчи қўйишга изн сўради...
-Шундоқми? Ўзим ҳам Ойшахон бахтини топиб кетишини чин кўнглимдан истаб юрардим. Юсуфжон яхши йигитга ўхшайди...
-Яхши инсон. Лекин опам бунга нима деркин?
-Мен сўзлашиб кўрарман, -дедим мен.
-Шундоқ қилинг, қизим. Агар кўнгли чопмаса мажбур этмаймиз.
-Хўп бўлади.

Шундай деб уларни холи қолдирдимда, ҳовлига чиқдим. Ойша опам дарахтзорда олма узаётган эканлар.
-Худди уй соҳибидек покиза ва фариштали уй экан, -дедим уларга яқинлашиб.
-Ҳа... мевалари ҳам мазали.
-Опа... Юсуф ака совчи қўйса... нима дердингиз?
Опам менга ялт этиб қаради.
-Бу ҳақда... мендан сўраган эди, -деди сўнг.
-Нима дедингиз? Танти ва мард инсон кўринади. Юрагингиз нима дейди?
-Мен... ихтиёрим укам ва онамда дедим. Улар билишади...
-Улар эса сизнинг кўнглингизни билишмоқчи. Бари гап сизда қолган, опажон. Ойша опам мени кучди:
-Сизларга ҳавас қилардим, сингилжон. Яратган эгам менга ҳам иккинчи бор суйиш бахтини берди...
-Илойим, бу бахтингиз бутун бўлсин! -дедим суюниб. —Мен-да сизнинг бахтингизни ҳамиша тилар эдим.
Бир муддат суҳбатлашиб қолиб кетдик. Сўнгра дастурхон ёзиб, чой дамладик. Тоғдан олиб келинган егуликлар, ҳовлидаги мева-чева дастурхонимизни тўлдирди. Низомжонга тасдиқ ишорасини бердим. Оналари ҳам буни пайқаб, жилмайди.
-Бибим ҳам кишлоққа қайтмидикин? -сўрадим Ойша опамдан.
-Ҳа, улар сизлар кетганингиздан сўнг йўлга отлангандилар. Онангиз ва кичик укангиз ҳам момога ҳамроҳ бўлди. Лекин улар бу ерни билишмайди-да...
-Ҳа, шунинг учун бугун ўзим бориб уларни олиб келаман.
-Шундоқ қил. Барчамиз йиғилгач, баҳоли қудрат кишлоққа ош берардик. Улар тўйнинг маслаҳатини қила бошлагач, мен секин уйдан чиқиб олдим.
Низомжон кетди. Тушдан сўнг эса бибим ва онам билан бирга кириб келишди. Қучоқлашиб кўришдик.
-Ҳайрият, омон экансизлар! -деди бибим. -Қози ортингиздан одамларини юборди. Лекин Юсуфжон деган йигит уларни адаштирган кўринади. У кишлоқ аҳлига сизларни Шошга кетди, деб айтди. Миш-мишлар Қозига ҳам етиб боргани тайин.
-Соз бўлибди. Ҳадемай Юсуф оға ҳам келади. Бу ерликларни яхши билгани учун кутиб турибман. Бизда яхши пичоқсозлар кам, дерди. Бозор ичида устахона очишни маслаҳат қилдик. Муллани ҳам айттирар эдик... -деди Низомжон.
Катталарнинг гапи билан мен кичик бир хонага жойлашдим. Бибим ва онам келтирган, Ойша опам тақдим этган сарполарим ҳам шу ерда. “Ҳеч кимга кўринманг, келинмулло! Ўзим паранжига ўраб сизни янги уйингизга, яъниким нариги хонага олиб бораман”, дейди Ойша опам қулиб.
Бибим ҳам доим ёнимда.
-Укаларим қаерда? —сўрадим мен.
-Каттаси отаси билан қолишни ихтиёр қилди. Ўғай отанг онанг талоқ сўраганида тоза тўполон қилди. Лекин онанг барибир кетди. Кичик укангни уйга қоровул қилиб келдик. Индинга қайтамиз, уям ёлғиз қолмасин, -деди бибим.
Бошқалар эса тўй тадориғи билан банд. Юсуф оға келгач, Ойша опам ҳам сафимизга қўшилди.
-Энди сиз ҳам бандисиз, опа. Келгуси ойда сизни ўзим паранжига ўраб, тоғга кетгувчи аравага чиқариб қўяман, -дедим мен ҳам қулиб.
Низомжонни ҳам кўриштиришга қўйишмади, чоғи. Тунгача кўрганим йўқ.

Эртага тўй... Кечаги каби бугун ҳам ухлолмасам керак, деб ўйловдим. Лекин тезгина уйқуга кетдим ва тонг ёришай деганда тетик уйғондим. Кўнглимдаги хижиллик ариб, хотиржам тортганди.

Ойша опам мени безантириб, устимга янги паранжи ташладилар. Ёнимиздаги хонада Низомжон ўтирган экан. Мулла ҳам унинг ёнида. Никоҳ ўқишга киришилди. Мулла сўраган саволга “розиман”, деб жавоб бердим. Бундан уч кун аввал ҳам худди шу савол берилганини эслаб этим жунжукиб кетди. Шукурки, бари ортда қолди...

Маҳалла аҳлига ош тортилди. Мен кичик хонада маҳалланинг бўй қизлари қуршовида ўтирар эдим. Уларнинг ҳеч бирини танимасамда, тезда эл бўлиб кетдим. Бир қўйиб бири лапар айтишар, рақс тушишарди. Бу томоша менга жуда ёқарди. Тушдан сўнг Ойша опам кириб келдилар.

-Энди ўз уйингизга марҳамат қилинг, келинпошшо. Куёв йигитни кўп куттирмайлик...

Бибим пешонамдан ўпдилар. Ёнларида кўз ёшларини артаётган онам ҳам бағрларига босди.

-Бахтли бўл, қизим.

-Ували-жували бўлгин.

Ойша опам ва бир нечта аёллар қуршовида рўпарадаги каттароқ хонага кириб бордим. Паранжи остидан ҳеч нимани кўролмасдим. Улар мени кўрпачага ўтирғизишди. Сўнгра юзимни очдилар. Тузоқлик кичик дастурхон ва чўғдек қизил якандозларга кўзим тушди. Низомжон эса ёнимда ерга қараганча ўтирарди.

-Удумларимизни бекаму кўст бажаринглар, -деди кекса бир кампир. —Асалдан, новвотдан тотинглар. Маҳрамингизга чой узатинг, қизим.

Айтганини қилиб, пахта гулли чойнакдан чой суздим. Сўнгра Низомжонга узатдим.

-Балли! Дастурхондан тотиниб ўтира туринглар. Мен эсам сизларга бир ривоят сўзлай...

-Момо, -дедилар Ойша опам бизларга кўз қисиб. -Нарёқ хонадаги бўй қизлар момо бизга қачон эртак сўйлаб беради, деб кутабериб тоқатлари қолмади. Юра қолинг, буларга эртага айтиб берарсиз.

-Ривоятсиз чимилдиқ бўладими? -секин ўрнидан кўзғалди момо. -Ҳай, қизларни илҳақ қилмай. Қизларжонларни жўнатиб, яна келаман, болаларим. Унгача сизлар паловдан енглар.

-Хўп бўлади, -дедик биз.

Улар чиқиб кетишгач, Низомжон ердан бошини кўтариб менга қаради.

-Ойша опам тилагимни кўзимдан англайди-да, -деди кулиб, -йўқса момо тонггача бизга эртак айтиб берарди.

-Эртак эшитишни мен ҳам истаган эдим.

-Мен ўрнига ғазал ўқисам бўлмасмикин?

-Майли...

-Аввал удумларимизни бажариб олайлик. Мана, асал, новват, майиз, -у асалдан ялаб, сўнг менга тутди. Кейин новвотли чойдан ичдик.

Ташқаридаги доира овозлари ҳам тинди. Аммо кўнглимиздаги бахтдан қўшиқ куйлаётган торлар садоси ҳамон янграб турарди. Шу куй оғушида Низомжоннинг елкасига бош қўйдим. У эса сочимни силаб, шивирлади:

-Бахтимиз салтанатига хуш келдинг, ёрим...

Тамом

Муаллиф ҳақида

Муаллиф ҳақида

Нодирабегим Иброҳимова 1989-йил 18-июлда Фарғона вилояти Олтиарик туманида туғилган. 2007-2011 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида таҳсил олган. Ёзувчилар уюшмасининг 2016 йилги “Истеъдод мактаби” VIII ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси. “Ёнингдаги бахт” ва “Жодугар ёхуд минг йиллик ҳаёт” номли насрий ҳамда “Дунёдаги энг бахтли одам ” номли таржима китоблари нашр этилган. 2017 йил Швеция давлатида ўтказилган Европа очик адабиёт фестивали ва китоб форумида проза йўналишида финалчилар қаторидан жой олган. 2017 йилда наср бўйича “Йилнинг энг яхши ёш ижодкори” мукофоти билан тақдирланган.